

Зиёда ХАСАНОВА



# Силангизда нұқсонли бола бүлса...



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Зиёда ҲАСАНОВА

**Оилангизда  
нүқсонли бола  
бўлса**

(Ўқув-методик қўлланма)

Тошкент-2011

Термиз давлат университети илмий кенгашы томонидан (30 ноябрь 2010 й., баённома №3) нашрға тавсия этилган.

Оилада улғаяёттган болакай талаффузида нұқсон бўлса, албатта, ота-она ташвишга тушади. "Бу нұқсонни қандай қилип тузатиш мүмкін?" дега ўйлашади. Ваҳоланки, бола нутқидаги нұқсон бора-бора унинг кслажагига соя солиши мүмкін.

Құлингиздаги рисолада бола руҳий, жисмоний ва нутқий камчиликларининг физиологик, психологияк омиллари ва ушбу сабабларни аниқлаши ҳамда нутқий нұқсонларни тузатиш йўл-йўриклиари дефектолог, педагог нұқтаи назаридаги ўрганилган. Ота-оналар, тарбиячи ва ўқитувчилар шу маслаҳатларга амал қилишса, болалар соғлиги ва нутқида учраб турадиган камчиликларнинг бартараф этилишинга ҳисса қўшишган бўлур эди.

Кигоб ота-оналар, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, бошланғич синф ўқувчилари ва бола тарбияси билан шуғулланувчи барча кишилар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

Мехри Норбошева,  
психология фанлари номзоди, доцент.

Болтажон Содиков,  
психология фанлари номзоди, доцент.

Озода Полвонова,  
Термиз шаҳар ХТБга қарашли маҳсус мактабгача таълим муассасаси мудираси, халқ таълими аълочиси, олий тоифали сурдо-педагог.

## Сұзбоши

Ўзбекистон Республикасынинг «Таълим тұғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда таълим-тарбияни түбдан ислоҳ қилиш, уни тизимли шакллантириши, жаҳон андозалари даражасига күтариши, рақобаттардош кадрлар тайёрлаш, үқув-тарбия жараёнига янгича педагогик ва ахборот технологияларни олиб кириш вазифаларини қўйди.

Истиқолимиз шарофати билан ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топшишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу вазифалар қонун ҳуэжжатларида юртбошимиз И. Каримов тақлифлари билан 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб аталиши ҳам бу қўйилган таблаблар ўз изчиллигига эга эканлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жасамиятимизнинг энг муҳим, ҳал қилувчи бўғини бўлмиши оиласа алоҳида эътибор бериш ва уни ҳар томонлама асраб-авайлаш тадбирлари ушбу дастурнинг узвий қисми сифатида ифода этилди.

Ҳукуматимиз томонидан ёш авлод тарбиясига бериладётган юксак эътиборга қарамасдан, жойларда оила ва бола тарбиясига юзаки ёндашув сезилади. Қон-қариндошлик никоҳи, тиббиёт кўргидан ўтмасдан турмуш қуриш, соғлом турмуш тарзига етарлича аҳамият бермаслик, боланинг ақлий, жисмоний, нутқий камчиликларига парво қилмаслик каби муаммолар ҳамон учраб турибди.

Кўпгина ота-оналар фарзандларидағи камчиликларини билсалар-да уларни маҳсус мактабларда ўқитишига ёки шифокорга кўрсатиб даволашга шошилмайдилар.

Бола тақдирига бундай лоқайдлик ва эътиборсизликка чек қўйиши фурсати аллақачон етди. Чунки бугунги болалар Ватанимиз эртаниги кунининг эгаларидир. Шу сабабли биз кўт йиллик тажрибаларимизга таянган ҳолда, ушбу рисолада болаларда учрайдиган нутқий нуқсонларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлашга, уларни бартараф этиши йўл-йўригини кўрсатишига ҳаракат қилдик. Бу ўринда ота-оналар, тарбиячи ва ўқитувчиларга кўмаклашувчи маслаҳатлар бердик.

Бола тарбиясида оила, таълим муассасаси ва маҳалла ҳамкорлиги ниҳоятда муҳим. Агар фарзандларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда рисоладаги барча тавсияларга амал қилинса, нур устига нур бўлур эди.

## Олигофрения

(ёхуд ақлий қолоқлик сабаблари)

Богча тарбиячиси ўрта гуруҳдаги Нигора исмли қизалоқнинг хатти-ҳаракатлари ва гап-сўзларидан ажаблана бошлади. Чунки у кейинги пайтда турли машғулотларга суст қатнашар, берилган саволларга жавоб тополмай узоқ ўйлашиб қоларди. Бир куни тарбиячи болаларга шундай ҳикоя ўқиб берди:

— Ҳайвонлар қайси таом энг ширин эканлиги хусусида баҳслашиб қолишибди. Мушук — сутни, ит — сүякни, эчки — пичанни, хўroz эса донни энг ширин таом деб айтди. Хўш, қайси ҳайвоннинг гапи тўғри?

Шунда Нигора ўрнидан туриб: “Мушукнинг гапи тўғри, чунки сут ҳамма нарсадан ширин”, деди.

Бошқа болалар эса, “Йўқ, йўқ, ундай эмас, ҳар битта ҳайвонга ўзи ёқтирган нарса ширин бўлиб кўринади”, дейишиди.

Тарбиячи эртасига бошқа бир машғулот ўтказиб: “Ҳар бир бола ўқиган шеърининг мазмунини айтиб беради”, деди. Навбат Нигорага келганида қиз шеърни тўғри ва ифодали ўқиди, бироқ мазмуни нимадан иборат эканини гапириб беролмади.

Бу сингари яна бир неча машғулотлардан сўнг тарбиячи ва психолог Нигоранинг ўзига турли саволлар бериб кўрдилар, қизалоқнинг ҳеч қайси жавобидан қониқишмагач, унга “олигофрен” деб ташхис қўйдилар.

Муаммонинг илдизи қаерда? Нигора нима учун тенгдошларидан ақи жиҳатдан ортда қолган? Қизалоқнинг онаси билан суҳбатлашилганда, масалага бир оз ойдинлик кири-тилди. Аёлда ҳомиладорлик жараёни оғир ўтган, бу даврда у бაъзи бир ташвишларни бошдан кечирган ва жуда ёмон кайфиятда бўлган. Токсикоз ҳамда қон босимининг ошиши ҳам айнан шу даврда рўй берган. Бунинг устига, туфрук чўзилиб, туғилиш пайтида боланинг боши қисилган.

Оилангизда нуқсонли бола бўлса...

Ота-она Нигоранинг кеч юргани, тили ҳам кечикиб чиққани, 2-4 ёшлигиде ёдлаган шеърларини дарров эсдан чиқариб қўйиши, феълида болаларга хос қизиқишлар деярли бўлмагани туфайли хавотирланишган. Лекин қизчанинг ақли ўсиши бошқа болаларнидан ортда қолаётганилигини хаёлларига келтирмаганлар. Қачонки боғча тарбиячисининг огоҳлантиришидан кейингина улар қизалоқ тарбиясига жиддий эътибор бера бошлашди, тиббий муолажалар ёки психиатор-невропатолог маслаҳатлари зарурми-йўқми, бу ҳақда бош қотирдилар.

Статистика маълумотларига кўра, ҳозирги кунда республикамиизда 160.000 дан ортиқ турли нуқсонлар билан туғилган ногирон болалар бор. Дунёга келаётган ҳар юзта боланинг учтаси нуқсонли, ногирон туғилмоқда. Уларнинг кўпчилиги руҳий ва жисмоний ривожланиш жиҳатидан тенгдошларидан ортда қолганлардир. Бундай болалар олигофрения хасталигига чалинган, яъни бошқа болалардан кўра ақлий жиҳатдан қолоқ ҳисобланадилар. Бошқача айтганда, олигофрен болаларнинг психофизиологик ривожланишида камчиликлар, нуқсонлар бўлиши кузатилган.

Мактабларнинг бошлангич синфлари ўқувчилари орасида ҳам олигофрен болалар учраб туради. Бунинг сабаби шундаки, боланинг ақлан норасо эканлиги у то мактабга чиққунича катталар эътиборидан четда қолади. Қачонки, ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаролмагандан кейингина, боланинг ақл жиҳатидан заифлиги сезиша бошлайди. Аслида олигофрения (ақлий жиҳатдан қолоқлик) хасталиги қай сабабларга кўра пайдо бўлади? Шу хусусда тўхтalamиз.

Айтиш жоизки, олигофренияни вужудга келтирувчи сабаблар анчагина. Масалан:

— онанинг ҳомиладорлик вақтида айрим юқумли касалликлар (вирусли грипп, тиф, қизилча, дистрофия кабилар) билан оғриши;

— бўлғуси она организмидаги касаллик қўзғатувчи турли паразитлар (токсоплазмоз, сифилиснинг спиротехаси сингарилар) нинг ҳомилага ўтиши;

- ҳомиланинг она қорнидалиги пайтида шикастланиши;
- ота ёки онанинг спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилиши;
- туфруқ вақтида боланинг қисқич ёрдамида сууриб олиниши;
- боланинг туфруқ йўлларидан ўтиши узоқ давом этганда ёки туфруқ ўта тез рўй берганда ҳам боланинг боши қисилади ва бу ҳол қўпинча олигофренияга олиб келади.

Баъзида гўдак бир ёшга ўтгунича оғир юқумли касалликлар (менингит, менингоэнцефалит ёки асаб тизими шикастланишлари) га чалинса, олигофрения пайдо бўлиши мумкин. Ахён-ахёнда бу дард болага насл орқали ўтади, шунингдек, она билан ҳомила қон таркибининг бир-бирига мос келмаслигидан олигофрения келиб чиқиши ҳам исботланган. Сўнгти йиллардаги текширишлар натижаларига кўра, организмда оқсил алмашинувининг бузилиши баъзида олигофренияни вужудга келтирас экан.

Олигофренияни, оғир-енгиллигига қараб, уч даражага бўлиш мумкин. Булар қўйидагилар:

1. Оғир даражадаги ақлий қолоқлик (идиот болалар).
2. Ўрта даражадаги ақлий қолоқлик (имбецил болалар).
3. Енгил даражадаги ақлий қолоқлик (дебил болалар).

Биринчи гуруҳга киравчилар, яъни идиот болалар умуман таълим олиш қобилиятига эга эмаслар. Улар катталар томонидан доимий ёрдамга муҳтож саналадилар ва асосан давлат таъминотида бўлишади. Иккинчи гуруҳдаги имбецил болалар баъзи бир меҳнат турларини, яъни оддий ишларнигина бажара олишади. Бу турдаги хасталикни бошдан кечирган болалар жойлардаги ижтимоий таъминот бўлимлари мутахассислари томонидан, албатта, маҳсус таълим-тарбия даргоҳларига юбориладилар. Ақли заифлиги жиҳатидан учинчи гуруҳга кирадиган дебил болалар эса ўзларининг айрим хусусиятлари билан тенгдошларидан фарқланишади. Масалан, дебил болалар қўпинча нутқ жиҳатидан бошқалардан ортда қолишади, уларнинг сўз бойлиги чекланган бўлади. Богчада ёки синфда берилган топшириқни жуда секинлик билан бажарадилар, ўқилган матн мазмунини дарров илғаб ололмайдилар. Аслида дебил болалар бир-бирларига ўхшаш-

## Оилангизда нуқсонли бола бұлса...

майды, қай бирлари жаҳлдор, қай бирлари интизомсиз, бошқа бирлари босикрөк, яна бир хиллари эса ниҳоятда бұшанг ва имиллаган бұлишади. Аксарият дебил болалар синфда үқилған ҳикоя матнини яхши тинглашади, мазмунини ҳам айтиб берә олишади, бироқ матн мазмунидаги мантиқ ва талқинни түгри идрок этолмайдилар. Масалан, үқитувчи бирор матн-даги “Ёмғир роса ёғди, Шоира соябонсиз күчага чиққанди, күйлаги анча ҳұл бўлди”, деган парчани дебил болаларга үқиб берса, улар ёмғир ёққанини тушунадилар, лекин Шоиранинг күйлаги нима учун ҳұл бўлганини фаҳмлаб етмайдилар. Шунингдек, дебил болалар мактабда үқиганларида ҳам дунёқараши тор бўлади. Уларга қанча маълумотлар ва янгиликлар сўзлаб берилмасин, тушуниб етишга ҳаракат қилишмайди, оқибатда билим доираси қашшоқлигича қолаверади.

Сардор исмли бола мактабнинг биринчи синfigа келганды тенгдошларидан бир ёш қатта эди. “Нега болани саккиз ёшда мактабга бердингиз?” деб сўраганларида, она: “Ўғлим анча бўш, шунинг учун унинг қийналиб қолишини истамадим”, деди. Ваҳоланки, бола фақат бұшантгина эмас, балки ақлан қолоқ ҳам эди. Масалан, у дастлабки кунларданоқ нуқул танбех эшита бошлади, негаки, синфда у партадан бунисига кўчиб юрар, дарс пайтида нуқул гаплашиб ўтиар, машғулотларга бепарво қарап эди. Үқитувчининг сўзларига ҳам қулоқ солмасди, ўтилган мавзу сўралганда эса, фикрини бир жойга жамлолмай қийналар эди. Интизомсизлиги ва оғир феъл-автори бир неча маротаба үқитувчилар ўртасида муҳокама қилинди. Охири унинг онаси мактабга чақирилди. Суҳбат пайтида аён бўлди, Сардор дабба (чурра) билан туғилган, шу сабабли унинг тўққиз ойлигига умумий наркоз билан операция қилишган. Гўдакнинг ўнгланиши қийин кечиб, у бир яшару уч ойлигидан юра бошлаган, икки ёшга етганида эса илк сўзларни айтган. Бола файритабиий ҳаракат билан лапанглаб юрар, ўта сусткаш эди. Ўз-ўзига хизмат кўрсатишга қийналарди, ҳатто беш-олти ёшга етганида ҳам ботинкасининг ипини боғломас, кийимларининг тугмасини қадай олмасди. Бунинг устига, бесаранжом, гапидан ҳам, қилаётган ишидан ҳам ча-лғиб кетаверар эди.

Шундан сўнг ўқитувчи Сардорга алоҳида эътибор бериб, унинг таълим-тарбиясига қараб, кўпроқ вақт ажратадиган бўлди. Лекин қилинган ҳаракатлар бирор натижа бермади. Бола бир синфда уч йил ўқиди. Бироқ ҳанузгача биринчи синф ўқувчиси учун бериладиган энг оддий вазифалар мазмунини тушуниб етмасди. Демак, бу болани умумий таълим мактабида ўқитишнинг фойдаси йўқ, бу нарса кейинчалик боланинг руҳиятига салбий таъсир этиши ҳам мумкин. Ўқитувчилар жамоаси шу қарорга келишгач, Сардорни маҳсус мактаб ихтиёрига юбордилар.

Бундан кўринадики, олигофрен болалар ақлий жиҳатдан қолоқ бўлғанликлари учун, албатта, ёрдамчи мактаблар шароитида ўсиб вояга етишлари зарур. Агар улар тарбияси оғир болалар сафига қўшиб қўйилиб, умумий таълим мактабларида ўқитилаверса, ақлан камол топишлари анча кечикади, бола билан ишләётган ўқитувчи иши ҳам баттар қийинлашади. Оилада олигофрен болалар тарбиялананаётганини қандай қилиб аниқласа бўлади? Бунинг учун ота-онанинг зийраклиги ва болага эътибори жуда ҳам зарур. Айниқса, бола муддатидан олдин ёки муддатидан ўтиб туғилганда, туғруқ вақтида шикастланишлар рўй берганда, гўдак ҳаётининг ilk ойларида кўп касал бўлганда, кеч тили чиққанда ё кеч юра бошлаганда оналар, албатта, мутахассисга мурожаат этишлари зарур. Шунингдек, бола бўшанг, лоқайд ва имиллаган бўлса, оилада у билан алоҳида машгулотлар ўtkазиш лозим. Бунда болага турли саволлар бериб кўриш муҳим аҳамият касб этади. Саволларга бериләётган жавоблар эса масалани анча ойдинлаштиради.

Бир куни хонадон аҳли йиғилганда она фарзандига: “Кудуққа тупурма, сувини ўзинг ичасан”, деган мақолни айтди ва: “Буни сен қандай тушунасан?” — деб сўради. Шунда бола:

— Бирор сув ичиди ёмон иш қилмоқчи бўлади, кейин эса шу сувни ўзи ичади, — деб жавоб берди.

Бола мақол мазмунидаги асл мазмунни яхши тушунмагани аён эди. Шунинг учун ҳам уни шарҳлаб беролмади. Бу болада олигофрения аломатлари бор эди.

Олигофрен болаларнинг ота-оналари нималарга эътибор беришлари лозим?

Оилангиизда нуқсонли бола булса...

— Энг аввало, оналар бундай болаларни узоқ вақт күкрак сути беріб боқишиңға ҳаракат қилишлари керак. Агар чақалоқ яхши эма олмаса, күкрак сутини соғиб қошиқчада ичириш зарур ва беш ойлигидан бошлаб болага құшимча овқат беріш лозим. Вазнини тез-тез ўлчаб туринг.

— Бола барча юқумли касалликларга (масалан, күйіүтал, қизилча, гепатит ва бошқаларга) қарши вақтида эмланиши керак.

— Касал бұлиб қолганда дарҳол педиатр-шифокорға мурожаат қилинг.

— Болани юқумли ва бошқа турли касалликларга чалинишдан әхтиётланг.

— Гұдак танасида деформация (қийшайиш) бўлишининг олдини олиш ва уни тузатишга эътибор беринг.

— Боланинг ақлан ва жисмонан ривожланишини кузатиб туринг.

— Атроф-муҳитдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида бола тасаввурларини кенгайтиришга қўмаклашинг.

— Ақлан қолоқ болага нисбатан оиласда тўғри муносабат ўрнатиш лозим.

Борди-ю, олигофрениянинг илк аломатлари кўзга ташлангандаёқ бола мутахассисга олиб борилиц, тарбияси билан жиддий шугулланилса ва кейинчалик маҳсус мактаб кўмагида унинг таълим олиши ривожлантирилса, бемор, шубҳасиз, соғлом болалардек фанларни ўз тенгдошларидек ўзлаштириб борадилар. Акс ҳолда, олигофрен болалар улғайғанларида ҳам ақлан қолоқ бўлиб қолаверадилар. Бунга ҳеч биримиз бепарво қарамаслигимиз керак.

## Астеник ҳолат

(У болаларда қандай кечади?)

Дефектолог олимларнинг эътироф этишларича, астеник ҳолат орттирилган асабий-руҳий заифлик бўлиб, кўпинча бола юқумли касалликлар билан оғриб ўтганда ёки шикасталниш ҷоғида миянинг лат ейиши оқибатида вужудга келади. Астеник ҳолатдаги бола сал ҳаракат қылса ҳам чарчай-

ди, жаҳлдор бўлиб қолади, бўшашган ва ланж ахволда юради. Бундай болаларнинг боши тез-тез огрийди, иш қобилияти бузилади, хотираси заифлашиб кетади. Шу нарса уларнинг мактабда тўла билим олишига тўсқинлик қиласди. Яъни бола ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашни ўрганишга қийналади, айниқса, ёзувда турли хатоларга йўл қўяди. Шунингдек, ҳарфларни ва сўзларни тўлиқ ёзолмайдилар, матнни ўқиётганда эса айрим сатрларни ташлаб кетадилар. Энг ёмони, гап мазмунига эътибор бермасдан, матнни шунчаки тахминан ўқиб қўя қолишади.

Астеник ҳолатдаги болаларнинг синфдаги баъзи бир ҳаракатлари ва фалати гап-сўзларидан тенгдошлари ажабланишлари мумкин. Баъзан эса бошқа болалар уларнинг устидан кулишади. Шунинг учун ҳам ўтилган дарс сўралганда, астеник болалар нотўғри жавоб беришдан кўрқиб, доска ёнида индамай тураверадилар. Бундан ташқари, астенияга чалинган болаларнинг луғат бойлиги кам бўлганлиги боис, ўз фикрини ифода этолмай қийналишади.

Борди-ю, уларда церебрал астения (мия фаолияти ўзгаришига боғлиқ астения) кузатилса, боланинг феъл-атвонида юқоридаги сингари ҳолатлар янада кўпроқ учрайди. Церебрал астения кўпинча миянинг бирор нарсага урилиб зарб ейиши, шикастланиши ёки баъзи касалликлар туфайли яллигланиши оқибатида пайдо бўлади. Масалан, бош суюги лат еганида ёки мия яллигланганда орқа мия суюқлиги микдори бироз кўпаяди, яна шу суюқликнинг циркуляцияси (айланиши) ҳам бузилади ва бу ҳол гидроцефалия (бош истисқоси) деб аталади. Бош истисқоси (яъни мия қоринчаларида орқа мия суюқлигининг кўпайиши) боланинг ҳар жиҳатдан камол топишига салбий таъсир кўрсатади ҳамда руҳий фаолиятининг издан чиқишига олиб келади. Бундай болалар жуда секин ҳаракат қиласдилар, ҳеч нарсага (масалан, машғулотлардаги ёки синфдаги топшириқларни бажаришга) умуман улгуролмайдилар. Унутмайликки, боладаги астеник ҳолат ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки қайсиидир сабабга кўра юз беради...

Рустам мактабнинг учинчи синфида ўқиётганида, онаси уни мутахассисга олиб борди. Боланинг боши оғриб тури-

ши, иштағаси пастлиги, яхши ухлолмаслиги, тез өзіншілдегі кетаётгани, айтиб, ёрдам сүради. Онанинг гапига құра, үғли түрт ёшгача яхши ўсган, болалар боғасынан қатнаган, зийрак ва серҳарапат бүлган ҳамда тенгдошлари орасыда қизиқувчанлиги билан ажралып турған. Түрт ярим яшарлигидә Рустамни машина уриб юборған. У миаси лат егани туфайли, құсан ва хушидан кеттән, сұнг қасалхонага юборилған. Шифохонадан чиққақ, боғча тарбиячиси боланинг феълида айрим ўзгаришлар рүй берганини пайқади. У жуда ўжар ва жиззаки бўлиб қолған эди. Етти ёшлигидә мактабга чиққандан сұнг ўқишида қийнала бошлади. Ҳарфлар, рақамларни яхши эслаб қололмасди. Болакай биринчи синф дастурларини яхши ўзлаштиромаса-да, иккинчи синфга ўтказилди. Базур ўқиди. Кейин учинчи синфнинг ўзида икки йилча қолиб кетди. Бу нарса Рустамнинг фанларни ўзлаштиришига ҳеч бир янгилик олиб киролмади. Бола дарсларга умуман улгурулмасди. Ниҳоят, она уни шифокор мутахассисга олиб борди. Тиббий текширувлар пайтида боланинг бош суюғи ичидаги босим бироз юқори эканлиги аникланди. Кейинчалик боладаги ана шу босимни меъёрлаштиришга қаратылған махсус даво тадбирлари ўтказилди. Рустамнинг иш қобилиятини аста-секин тиклаш мақсадида оддийдан мұраккабгача бүлган машқулар түплами тузиб чиққалди. Үнга кичик-кичик топшириқлар берилди, савол-жавоблар уюштирилди, мутахассис күмагида боланинг таълим-тарбиясига жиддий эътибор берилди. Рустам шундан кейин умумий таълим мактабининг түртинги синфига ўтказилди ва дарсларни яхши ўзлаштириб, соғлом тенгдошларига қўшилди.

Маълумки, юқумли касалликлар (масалан, қизамиқ, сил, кўйкўтал, сувчечак, вирусли грипп) билан оғриб ўтган бола тузалғандан кейин ҳам анча вақтгача бўшашган ва тушкун ҳолатда юради. Бундай болалар касалликдан сұнг боғчага ё мактабга бориши, тенгдошларига қўшилолмайди, натижада машгулот ёки дарслардан қолиб кетишади. Кейин эса бу борада тенгдошларига етиб олиш учун анча ҳарарат қилишларига тўғри келади. Шунда янаям кўпроқ чарчайдилар, инжиқлиги баттар ортади ва руҳан заифлаша бо-

ради. Умуман, астеник ҳолатдаги болалар тәрбиясига оила-да, боғча ва мактабда жиддий эътибор берилмаса, бирор на-тижага эришиш қийин кечади...

Қобил исмли бола мактабда ўта интизомсизлиги, ўзлаштириши ҳам пастлиги учун, хулқи ўқитувчилар томонидан муҳокама қилиниб, ота-онаси мактабга чақирилди. Онасининг айтишича, ўғли кичиклигига соғлом бўлган, йиқилиб шикастланмаган, ҳеч қандай дардга чалинмаган, уйда гапга қулоқ соладиган ва интизомли бола эди. Лекин тўққиз ёшида скарлатина (қизилча) нинг оғир турига чалинади. Ўшанда уч ой мактабга бормаган. Касалликдан тузалгандан сўнг, анча сержаҳл бўлиб қолган. Дарсни ўзлаштиришда синфдошларига етолмай қийналади. Шундан сўнғ ҳамма нарсага бепарво қарай бошлаган, ҳатто дарсларга кирмай қўйган. Бунинг устига, кун бўйи уйга қайтмайдиган одат чиқарган ва ёмон болаларга қўшилиб чека бошлаган, мактабни ҳам ташлаган. Хуллас, ўқитувчилар ва ота-она бир қарорга келишгач, Қобил асаб хасталиклари санаторийси-га жойлаштирилади. У ерда мутахассислар бола билан ин-дивидуал (якка ҳолда) иш олиб борадилар. Орадан бир ярим йил ўтгач, бола соғайиб уйга қайтди, шундан кейин мактабдаги дарсларни бошлаб юборди.

Астеник ҳолатнинг вужудга келиши, асосан, боланинг турмушдаги кечинмаларига боғлиқ бўлиши олимлар томонидан исботланган. Демак, бундай болалар билан иш юри-тишда ҳамиша эҳтиёткорлик зарурдир. Агар уларни катта-лар ҳадеб койииверса, бола асабий ва йиғлоқи бўлиб қолади. Ортиқча эркалатилганда эса инжиқлиги янада ортади. Кўп ҳолларда астеник хусусиятга эга болалар дарсни ўзлаштира олмасалар, ўқитувчи уларни дангасаликда айблайди ва улар бажаролмайдиган вазифаларни топширади. Баъзи ота-оналар эса болани уқувсизлиги ва лоқайдлиги учун жазо-лайдилар. Бу нарсалар боланинг ғазабини баттар оширади ва ундаги астения касаллигини кучайтириб юборади. Шундай экан, ҳар бир ота-она боладаги астеник ҳолатни тўғри тушуниши, унга оиласа қуляй шароит яратиши, мутахас-сис ёрдамида маҳсус даволаш тадбирларини амалда қўлла-ши керак. Унутмаслик зарурки, болани қайта тарбиялашдан

Оилангизда нуқсонли бола бўлса...

олдин ундаги астеник ҳолат сабабларини ўрганиш лозим. Астения касаллиги бола юкумли дардлар билан оғриб ўтгандан сўнг пайдо бўлган ҳолларда педагоглар ҳамда шифокорлар кўмагида қилинган саъй-ҳаракатлар тезда ўз натижасини беради. Борди-ю, боладаги астеник ҳолат бош миянинг лат ейиши оқибатида вужудга келган бўлса, даволаш ишлари узоқроқ муддатга чўзилади. Муҳими, болага яхши муносабатда бўлиш ва уни койимаслик керак. Астенияни бартараб этиш ота-онадан сергаклик ва диққат-эътиборни талаб этади. Яъни оилавий можоралар ва турмушдаги қийинчиликлар боланинг руҳиятига таъсир этаётганини сезганда ёки у оғир юкумли касалликларни бошидан кечиргандан сўнг, ота-она дарҳол мутахассисга мурожаат этишса, бошланаётган астеник ҳолатнинг олди олинади.

## “Кичкинтой дудуқланиб гапирса...”

Хузуримизга бир аёл уч ёшлар чамасидаги фарзандини етаклаб кирди. “Ўғлим кейинги пайтда дудуқланиб гапирадиган бўлиб қолди, ёрдам беринг”, деди. Мен болани обдон текшириб кўргач, онага тегишли маслаҳатларни бердим. Шунда аёл: “Ўғлимнинг дудуқланиб гапиришига нима сабаб бўлган экан?”— деб сўради. Мен аёл билан узоқ сұхбатлашдим ва болаларнинг дудуқланиб гапириш сабабларини унга тушунтиридим...

Қаттиқ қўрқиш, болага доимо қўпол муносабатда бўлиш, уни бўлар-бўлмасга айблайвериш, бола яшаш шароитининг тўсатдан ёмонлашиши ва шунга ўхшашиб сабаблар боланинг дудуқланиб гапиришига олиб келади. Айрим ота-оналар нутқи энди ривожланиб келаётган, аммо ҳали тўла шаклланмаган болага кўплаб шеър ёдлатиб, айтиб беришга мажбурлайдилар, бунинг оқибатида бола дудуқланиб гапира бошлайди. Шунда айрим сўзларни айтишда мажбурий тўхталиш ёки алоҳида товуш ва бўғинларни такрорлаш ҳоллари юз беради.

Дудуқланиб гапирадиган болаларга ўз вақтида ёрдам бе-

риш учун, нуқсоннинг дастлабки белгиларини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Масалан:

- Болалар баъзан сўзларни айтишдан олдин ортиқча товушлар (М, Н, А, И)ни ишлатадилар.
- Гапнинг ўртасида мажбурий тўхталадилар.
- Гапнинг бошида сўзнинг биринчи бўғинини ёки тўлиқ сўзнинг ўзини қайтарадилар.
- Нутқни бошлашдан олдин қийналадилар.

Дудукланиб гапирувчи болалар нутқидаги нуқсонни тузатиши бошлашдан олдин нутқ товушларини вужудга келтирувчи манбаларни ўрганиш, улардан онгли фойдалана билиш аниқ ва равшан талаффузларни таъминловчи омиллардан бири эканлигини айтиб ўтиш жоиздир. Болаларни нафас аппарати, бўғиз, овоз пайчалари, оғиз бўшлифи, тил, лаблар, бурун бўшлифи, жағлар ва уларнинг фаолияти билан таништириш керак. Тузатиш машқлари ота-оналар ва логопеднинг ҳамкорлигига олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

**Нафас машқлари:** дудукланиб гапирувчи болалар нутқидаги нуқсонни тузатиш учун биринчи машғулотни нафас машқларидан бошлаган маъқул. Яъни тинч ҳолатда нафас олиш ва худди шундай нафас чиқариш йўл-йўриқларини билиб олиш зарур.

**Тинч ҳолатда нафас** олиш қовурғалараро нафас олиш мушаклари ҳамда диафрагманинг бир вақтда қисқариши туфайли вужудга келади. Қовурғалараро мушаклар қисқариб, қовурғаларни кўтаради, бунинг натижасида кўкрак бўшлифи кенгаяди ва унинг ҳажми катталашади. Айни бир вақтда диафрагма мушаклари ҳам қисқаради. Унинг сатҳи камаяди ва диафрагма камроқ бўртиб чиққан бўлади. Шу туфайли кўкрак бўшлигининг ҳажми вертикал томонга катталашиши болаларга тушунирилади.

**Тинч ҳолатда нафас чиқариш** эса қовурғалараро мушаклар ҳамда диафрагма бўшлифи туфайли вужудга келади. Бунда қовурғалар пастга тушади, диафрагманинг бўртиқлиги ортади. Бунда кўкрак бўшлигининг ҳажми нафас олишдан олдин қандай ҳолатда бўлса, яна шундай бўлиб қолади. Шунинг учун маълум миқдордаги ҳаво ўпкадан ҳаво йўллари орқали чиқариб юборилади.

Бу машқлар устида икки-уч ҳафта ишлаш керак ва ҳеч қандай зўриқищсиз, қўл ёрдамисиз нафас олинаётгани се-зилмагунча давом этаверилади. Сўнг нафас олишнинг бу йўлини товуш билан мустаҳкамлаш керак. Яъни хотиржамлик билан нафас олиб, чиқарилади. Чиқарилаётганди Ф... С... Ш... Х... товушлари чўзилиб айтилади, кейин бир нафас чиқаришда иккита товуш – Ф... Ф...Ф... Ш... Ф... Ф...Х... С... Ф... С... Ш... С... Х..., кейин учтадан – Ф...С...Ш... ва тўрттадан – Ф... С... Ш... Х... талаффуз қилинади. Товуш узилмаслиги, бир товуш иккинчисига боғланиши зарурлигини унутмаслигимиз лозим.

**Артикуляцион машқлар:** болалардаги нутқ нуқсонларини тузатиш машгулотини бошлашда артикуляцион гимнастика фойда беради. Бу машқлар асосан талаффуз аъзолари фаолиятини фаоллаштиради, кейинги иш жараёни бўлган нутқда товушларнинг аниқ талаффузини таъминлайди. Болалар билан артикуляцион машқлар қўйидагича олиб борилади:

*а) юқори лаб машқи:* бир вақтда лаб икки ёнга тортилади, “табассум” ҳолати пайдо бўлади. Худди шундай фаоллик билан тортилиб, юқори тишлар усти ёпилади;

*б) пастки лаб машқи:* юқоридаги тартиб айнан пастки лаб воситасида бажарилади. Бунда жағнинг қимирамаслигига алоҳида эътибор берилади;

*в) бирлаштирувчи машқ:* юқорида эслатилган машқлар яхши ўзлаштирилгач, биргалиқда бирин-кетин бажарилади. Бунда бир марта юқори лаб, кейин пастки лаб, яна лаб ва ҳоказо. Шу тартибда такрорланаверади. Умумий манзара – тишлар қаторини лаблар воситасида навбатма-навбат “артиш” эслатилади;

*г) умумий машқ:* лаблар О товушини талаффуз этаётгандек осилади ва олдинга чўзилади. Кейин У товушини талаффуз этиш ҳолатигача қисқартирилади. Шу ҳолатда тишлар оша оғиз бўшлиғи томон қайтарилади. Кейин икки лаб тишлар қаторини “артган” каби икки томонга тортилади ва яна олдинга чўзиб, бошлангич О шаклига келтирилади. Умумий манзара Й-О-А-Ў-У-И товушларини овозсиз артикуляция воситаси билан бажарилаётгандга ўхшаб туради. Машқ бир неча марта такрорланади;

д) юқори лабни “тараш” машқи: юқори лаб имкони борича икки ёнга тортилган ҳолда (тишлар оша) ичкарига қайтарилади ва жағ бироз олдинга ҳаракат қилиб, пастки тишлар қатори билан лабларни юқорига “тарай” бошлайди.

е) пастки лабни “тараш” машқи: юқори тишлар қатори ҳаракат қобилиятидан маҳрум этилгандылыгы туфайли, пастки лаб жағ тишлари қатори оша ичкарига қайтарилади ва тишлар сиқуви оралығыдан чиқиб “таралади”, бу машқлар навбатма-навбат тақрорланади;

ё) лабларни чүччайтириш машқи: тишлар қатори бир-бирига зич ёпишган ҳолда, лаблар үзидан узоқда турған нарсага ҳаракатланғандек олдинга чўзилади, кейин чуқур илжайиш ҳолатида икки ёнга тортилади, машқ бир неча марта тақрорланади.

*Тил машқлари. Тилни чиқарши ва тортиси машқлари:* бу машқда (тилнинг икки чеккаси юқори кўтарилиб, оралығыда тарновча ҳосил қилинади), имконият борича тил олдинга чўзилади ва юқори милкларни, кейин танглайни силаб ўтиб, томоққа чуқур қайрилади. Машқ бир неча марта тақрорланади.

*Лабларни ялаш машқи:* тил учи эркин турған лаблар доирасини аввал бир томон, сұнг қарама-қарши йўналишда “ялаб” чиқади. Машқда тилдан бошқа барча аъзолар осойишта туриши лозим. Машқ бир неча марта тақрорланади.

1. Юзни туртиш машқи: тил учи ичкарида юзларни навбатма-навбат туртиб туради.

2. Тилни айлантириш машқи: лаблар юмиқ ҳолда, тил учи тишларнинг атрофини бир томонга, кейин қарама-қарши томонга йўналтириб, доира шаклида айланиб чиқади.

3. Тилни “тишлаш” машқи: тилни тепа ва пастки тишлар орасига олиб, бир неча бор тишлиш ҳаракати қилинади.

#### *Жағ машқлари*

1. “Эснаш” машқи; тил эркин бўлиб, уч томондан пастки тишлар қаторига тегиб туради. Жағни бироз пастга тушириб, айни пайтда енгилгина нафас олинади, яъни кичик тил ёйилиб, юқорига кўтарилади ва ширин эснаш пайдо бўлади.

2. Жағни олдинга ҳаракатлантириш машқи: жағ олдин пастга туширилади ва олдинга, орқага қараб ҳаракатлантирилади.

Оилангизда нүқсонли бола бұлса...

3. Жағни иккі ёнга ҳаракатлантириш машқи: юқоридаги машқ ҳолатида жағ иккі ёнга шошилмай бориб келади, машқ бир неча бор қайтарилади.

4. “Кавш қайтариш” машқи: аввалғи машқ ҳолатидан жағ ўнгга, пастға, чап томонға ва юқорига күтарилиб, доира ясайды ва шу ҳаракат тескәри йұналишда ҳам қайтарилади. Машқлар бажарилишини логопед үзи болага күрсатади ва машқларни қоидага қараб аниқ бажарышни талаб этади. Шунингдек, ота-оналар дудукланиб гапирадиган болаларға шеър ёдлатиб туришлари зарур. Шеър ўқиши ва ёддан айтиб беріш пайтида уларда даволанишнинг фойдасига ишонч үйғотиш лозим. Ёддан шеър ўқиши равон нутқ құнікмала-рини ҳосил қилишда катта ақамиятга эга.

Агар уй шароитида құлланған машқлардан сұнг ҳам боланинг дудукланиб гапирищи давом этаверса, ота-она фарзанди-ни логопед ұзуруға өлиб бориши ёки дудукланиб гапирадиган болаларнинг махсус мактабига жойлаштиришлари зарур.

Дудукланиб гапирадиган бола ҳар доим ёрдамға, меҳрга муҳтож бұлади. Шунинг учун ҳам барча ташқи ёрдам болада нутқий иродани, журъатни тарбиялашға қаратылса мақсаддага мувофиқдир.

## Ринолалия

(ёхуд “манқалик” сабаблари ҳақида)

Димоги билан гапирадиганларни халқ орасыда “манқа” дейишиади. Бу аслида нутқдаги нүқсон ҳисобланиб, рино-лалик болаларда учрайди.

Хүш, ринолалия үзи нима? Юмшоқ ва қаттиқ танглайнинг (бирор сабабға күра ёки туғма) йиртилиши ринолалик хасталик бўлиб, бунда болалар гапиргандан ҳаво оқими оғиз орқали эмас, балки бурун орқали чиқади. Натижада товуш ҳосил қилиш механизмлари меъёри бузилади ва бола товушни бурун-димоқ ёрдамида талаффуз этади. Юмшоқ танглайнинг йўқлиги (ёки йиртиклиги) сабабли, ўпкадан чиқаётган ҳаво тўсиққа учрамай, бурун йўлларига ўтиб кетади. Демак, юмшоқ ва қаттиқ танглайи ёрилган (ёки йиртил-

ган) болалар факт жарроҳлик йўли билан даволанади. Фарзандида шундай нутқ нуқсони бўлганда ота-она бунга бепарво қарамаслиги керак. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, жарроҳлик муолажасига қадар болага логопед ёрдами зарур бўлади. Чунки логопед кўмагида боладаги нутқ аъзосининг мускул ва тўқималари жарроҳликка тайёрланаркан, у ҳаво оқимини оғиз бўшлиғидан чиқаришга ўрганади. Жарроҳлик муолажасидан кейин, логопед яна болага ёрдамга келади ва маҳсус машқлар орқали нутқдаги нуқсонни тузатади.

Ринолалияning яна битта тури борки, у ҳам бўлса, ёпиқ турдаги нутқ нуқсонидир. Яъни бурундан ўтадиган ҳаво оқимининг йўли тўсилиб қолади. Бунга буруннинг қийшиқлиги ёки ичида бирорта ўсимтанинг ўсиши сабаб бўлади. Натижада бола талаффузида М ва Н товушлари Б ва Д товуши бўлиб эшитилади. Бу нуқсонни тузиш учун бурун йўлидаги ўсимта олиб ташланади. Шунда ҳаво оқими учун йўл очилади. Операциядан кейин ота-она болага алоҳида эътибор бериши лозим. Бола, албатта, оғзини юмиб, бурнидан нафас олиши зарур! Жарроҳлик муолажасидан кейин болани одатдаги ортиқча ҳаракатлардан озод этиш керак, унли товушларни тўғри талаффуз қила олсин, шунда жарроҳликдан кейин қийналмай гапирадиган бўлади.

Жарроҳликдан сўнг логопед ёрдамида ринолалик бола билан қуйидагича машқлар ўтказилади:

- юмшоқ танглай ҳаракатчанлиги оширилади;
- товушлар талаффузида қатнашувчи аъзоларнинг но-тўғри ҳолати бартараф қилинади;
- нутқдаги ҳамма товушлар (бурун товушларидан ташқари) талаффузга тайёрланади.

Үй шароитида яна қуйидагича машқларни ўтказиш мумкин:

- юмшоқ танглайнин қўл билаан оҳиста уқалаш;
- бўйиннинг орқа девори ва юмшоқ танглай гимнастикаси;
- артикуляцион (талаффуз) ва товуш машқларини ўтказиш.

Бу машқлар болада ҳаво оқимини оғиз орқали чиқаришини таъминлайди, ҳаво оқими кучини оширади ҳамда артикуляцион (нутқ аъзолари) мускуллари фаолиятини яхшилайди. Юмшоқ танглайнин уқалаш бола ов-

Оилангизда нұқсонли бола бұлса...

қатланмасдан олдин бажарилади. Құлни чок бүйлаб аввал олдинга, кейин орқага қараб ҳаракталантирилади. Юмшоқ танглайни құл билан оҳиста босиш ҳам фойдали. Бу машқлар операциядан кейин ҳосил бўладиган чандиқни юмшатади.

Жарроҳликдан кейин бажариладиган юмшоқ танглай гимнастикаси ҳам бир неча хил машқлардан иборат. Масалан:

- а) сувни ютиш ёки ютишга тақлид қилиш;
- б) оғизни очиб эснаш;
- в) иссиқроқ сув билан томоқни чайиш, гарфара қилиши.

Ота-она боланинг товушларни нотўғри талаффуз қилишига аҳамият бериши, бирор нұқсон сезса, дарров логопедга учраши зарур.

Яқинда бир аёл келиб, ўғлининг нутқи яхши ривожланмаётганини айтиб маслаҳат сўради. Биз аёлнинг оиласий аҳволи билан қизиқдик. У “илгариги болам танглайни йиртиқ бўлиб туғилганди, у бир-икки ой яшаб, сўнг нобуд бўлди, кейингилариям шунаقا туғилди, ҳозир иккиси манқаланиб гапирави”, деди.

Аёл яқин қариндошига турмушга чиққанини айтди. Бир оиласада учала фарзанднинг ҳам бир хил нұқсон билан туғилиши қон-қариндошлик никоҳи оқибатидир. Бу ҳақда ота-она билиб қўйиши керак. Ринолалия (танглай йиртиклиги) билан туғилган болалар нутқидаги нұқсонларни даволашда ота-оналар шифокор жарроҳлар ҳамда логопедлар билан ҳамкорликда иш олиб боришилари лозим. Шунда оқибати хайрли бўлади.

## Бола талаффузи равонми?

Кичкинтоингиз 4-5 ёшли бўлганида товушларни тўғри талаффуз қиласидиган бўлиб қолади. Борди-ю, сўзларни аниқ ва равон айта олмаса, демак, бола нутқидаги бу камчиликни тезлик билан бартараф этиш зарур бўлади. Бунинг учун ота-она фарзанди қатнаётган боғча тарбиячиси ва логопед ёрдамида иш олиб бориши, уй шароитида болани тўғри гапиришга ўргатиши керак.

Хўш, ишни нимадан бошлиш керак? Уйда дастлаб ёш боланинг артикуляцион аъзолари (тил, лаб, жаг, қаттиқ ва юмшоқ танглай)ни яхшилаб кўздан кечириб чиқинг. Тил тагидаги юганчага эътибор беринг, агар меъёридагидан калта бўлса, дарҳол шифокор билан масалаҳатлашинг. Шу аъзоларнинг тўғри ишлаётганини билиш учун, лабларини чўччайтириб, тилини чиқариш ва иложи борича ичкарига тортишини буюринг. Бола тилини чўзиб, юқорига қўтариб, пастга туширисин. Оғзини катта очиб-ёпсин. Шунда у ёки бу аъзосининг қанчалик ҳаракатчанлиги маълум бўлади. Умуман, ҳар бир ота-она фарзанди талаффузига лоқайд бўлмаслиги, бола нутқи эндиғина шаклланаётган пайтда бир ва икки бўғинли сўзлар (нон, бола, лола, ота, она, бобо, ака сингарилар)ни айттириб кўриши керак.

Агар боланинг товушларни тўғри талафғуз этолмаслигини била туриб, у билан шуғулланмасангиз, бу ҳол салбий натижаларга олиб келади. Ярим йилча аввал бир аёл ўғлини олиб келди ва мендан масалаҳат сўради. Маълум бўлишича, болакай мактаб ёшига етган бўлишига қарамай, ҳали кўпгина сўзларни тўғри айттолмас экан. “Нега бунга илгарироқ аҳамият бермадингиз?” дедим. Она эса: “Болам айрим сўзларни эркаланиб, нотўғри айтса индамасдим, астасекин тўғри гапириб кетар, деб ўйлагандим, лекин ҳеч ўзгариш бўлавермагач, ташвишга тушиб қолдим”, деди. Мен болакайнинг тилини ва нутқ аъзоларини текшириб кўрдим, ҳаммаси жойида экан. Демак, бола билан оилада катталар томонидан тўғри сўзлашув йўлга қўйилмаган ва унинг но-тўғри талафғузига эътибор берилмаган. Биз она билан бирга икки-уч ой тинимсиз машқлар олиб бордик. Бора-бора бола тўғри сўзлашга одатланди.

Нутқи равон бўлган болалар учун артикуляцион машқларни ўтказиш яхши фойда беради. Масалан, бола тилини чиқариб оғиз атрофида ўнгга ва чапга айлантириши, тишларини тил билан тозалаши, тилини чиқариб-тортиши ва лабларини ялашини тез-тез такрорласин. Сўнг бурнидан нафас олиб, оғзидан чиқариш ёки оғзидан нафас олиб бурнидан чиқариш машқлари ҳам жаф ҳаракатини яхшилайди. Шунингдек, ошхона буюллари, мебеллар, сабзавот ва ме-

Оилангизда нұқсонли бола бўлса...

валар, ўйинчоқлар номларини болага тушунтириб, айтиб беришни талаб қилинг. Агар тақрорлашга қийналса, артикуляцион гимнастика машқларини давом эттираверинг.

Агар бола товушларни тўғри талаффуз қилолмаса, қуидагича артикуляцион гимнастика машқларини уй шароитида ўтказинг.

Лаблар учун машқлар: “У” ҳарфи айтилганидек лабларни чўзиб турсин. Кейин оғзини очиб, “О” ҳарфи айтилаётгандек юмaloқ ҳолатга келтирсин. Сўнгра лабларни маҳкам юмиб, бўшаشتирсин.

Тил учун машқлар: оғизни очиб, тилини чиқарсин, унинг учини чўзиб, қайтадан оғзига тортиб олсин. Оғзини катта очиб, тилни юқори тишиларгача кўтариб, бир неча дақиқа шундай турсин. Оғизни катта очиб, тил чиқарилади, юқори ва остки лабларга навбатма-навбат теккизилади. Оғзини очиб, тилни чиқазиб, оғзининг ўнға ва чап бурчакларига теккизилади. Бола оғзини катта очиб, тил билан олдин битта лабни, кейин бошқасини яласин. Юқоридаги машқлар ҳар куни бир неча маротаба тақрорланади. Агар бола бу машқларни бирданига эплолмаса, ўзингиз бажарив кўрсатинг. Кейин товушлар устида ишланг. Масалан, кўпчилик болалар “С” ва “З”ни тўғри айттолмайдилар. Фарзандингиз бу товушларни яхши фарқлолмаса, мана бу усулни қўлланг. Бола бир кафтини томогига, иккинчи кафтини катта одам томогига қўяди. Керакли товушларни биринкетин айтаётганида, сиз унга: “С” товушини айтганда томоқтинч туради, “З” товушини айтганда эса томоқ титрайди,” деб тушунтиринг. Шунда болангиз қайси товушни айтаётганининг фарқига боради.

Тегишли товушларни айтганда, нутқ аъзоларининг қандай ҳолатда бўлишини ҳам болага тушунтириб беринг. Масалан, “С” ҳарфини талаффуз қилганда тишилар ва лаблар сал очилади, тил уни пастки “кесувчи” тишиларга тиради, тил ўртаси қайрилади, унинг ёнбош қирралари юқори жағ тишиларининг ички томонига тегиб туради. Бу товушни аввал ўзингиз тақрорлаб, болага кўрсатинг. “З” ҳарфини талаффуз қилганда нутқ аъзолари “С” товушини айтгандек жойлашади, фақат тил ўртаси сал юқори кўтарилади ва нафас унча зўриқмай

чиқади. Агар бу машқларни бола күзгү олдида туриб бажарса, товушларни түғри айтишга одатланади.

Ота-оналар шуны унутмасликлари керакки, машқларни расмлар, ўйинчоқлар ва бошқа күргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда олиб бориш керак. Нутқида нұқсони бор бўлган бола билан артикуляцион гимнастика машқларини доимий равищда олиб борилса, фарзандингиз түғри гапирадиган бўлади.

## Фарзандингиз “ш” товушини айтотмаса...

Узоқ кузатувлар натижасида маълум бўладики, мактабгача тарбия муассасаларида ва оммавий мактаб ўқувчиларининг орасида сигматизми бор (айрим товушларни талаффуз этолмайдиган) болалар кўпчиликни ташкил этаркан. Улар жимоний ва интеллектуал жиҳатдан соғлом бўлсаларда, ўз нутқларидаги камчиликлари туфайли, барча ички қобилиятларини юзага чиқаришга қийналадилар.

Умумий ривожланиш ва дарсларни ўзлаштиришда сезиларли даражада орқада қолишилари мумкин. Бундай болалар “шолғом” сўзини “соғлом”, “Шоира”ни “Соира”, “машина”ни, “масина” деб, сўзлардаги “ш” товушини түғри талаффуз этолмайдилар. Болалардаги бу камчиликни тузатишдан аввал уларнинг нутқ аппаратлари (лаб, тиш, тил) тузилиши ва ҳаракатчанлиги текшириб кўрилади. Сўнтра сўзларни талаффуз этишлари ҳам мутахассис томонидан текширилгач, бола талаффуз этолмайдиган товушлар аниқлана-ди. Шунингдек, боланинг кўриш даражаси ва эшитиш ҳолатига ҳам эътибор қилиниши керак. Боладаги камчиликлар маълум бўлгач, у билан олиб бориладиган машғулотлар режаси тузилади.

Бола нутқидаги ҳар қандай нұқсонни тузатища артикуляцион машқларнинг аҳамияти катта. Негаки, товушларнинг түғри талаффуз қилиниши артикуляцион аъзоларнинг ҳаракатчанлигига боғлиқ. Биз биринчи машғулотни (арти-

Оилангизда нүқсонли бола бўлса...

куляцион аппаратнинг тузилиши ва ҳаракатчанлик ҳолатини) бошлайлик:

**Лаб машқлари:** лабни чўччайтириш, бир неча маротаба такрорланади. Сўнгра лаблар юмилади ва лабни ялаш машқи ўтказилади.

**Тил машқлари:** тилни чиқариб, ўнг ва чап томонга бир неча марта, сўнгра тиш ва милклар бўйлаб айлантирилади. Шунингдек, лабларни айлантириб ялаш машқи ўтказилади.

**Жағ машқлари:** пастки жағни олдинга, орқага ва икки ёнга томон ҳаракатлантириш лозим.

“Ш” товушини яхши айттолмайдиган болалар билан махсус машқ ўтказиш уй шароитида бажарилса ҳам бўлади. Ҳар бир ота-она билиши керакки, “Ш” товуши шовқинли, сиргалувчи, жарангсиз, тил олди товушидир. Бу товуш талаффуз этилаётганда лаблар бир-бирига жуда яқинлашади. Тил уни ва муаллақ ҳолатда бўлиб, салгина қисқаради ва ёзилиб, тепа тишларга томон кўтарилади. Пастки жағ эса жипслашади. Тил уни тишлар оралигидан сиргалиб чиққан ҳаво тўлқини “Ш” товушини вужудга келтиради. Масалан, товушга тақлид қилиш ўйинини бола билан биргаликда бажариш мумкин. Эътибор қилинг: бир куни қўй, эчки, гоз, қурбақа, мушук, қарға, кучук ўзаро маслаҳатлашиб, ўрмонга қўзиқорин теришга бормоқчи бўлишди. От қўшилган аравага чиқишиб, ҳар бири навбат билан қўшиқ айтган ҳолда ўрмонга кетишли. Улар узоқ юришди (от туёғига тақлид қилиб овоз чиқарилади, бунда артикуляция аъзоларининг ҳаракатчанилиги яхшиланади). Ўрмонга яқин қолганда от депсиниб кишнаб, орқага тисарилди. Ҳайрон қолган дўстлари бирдан катта йўл ўртасида илонни кўришди. Илон тик туриб, “виш-шаш!” деди-да, сўнг майсалар орасига ўрмалаб, кўздан фойиб бўлди. От эса яна йўлда давом этди. Бу ўйинда болаларнинг ҳар бири юқорида қайд этилган ҳайвонлар товушига тақлид қилиб, ўзаро суҳбатлашадилар.

Хўш, илон қандай овоз чиқаради? Ҳамма болалар бир овоздан илон товушини такрорлашади. Хуллас, ўйин шу тарзда давом эттирилади. Агар ўйин шаклида олиб борилган бу машғулотлар натижага бермаса, ундан кейин логопед

зонд ёки шпател ёрдамида машғулот ўтказиши мумкин. Бунда бола “С” товушини айтиб, шу вақтнинг ўзида зонд ёки шпател ёрдамида тил бироз юқорига кўтарилиб, орқага итарилади. Энди “С” товуши ўрнига “Ж” товуши ҳосил бўлади. Шу амал бир неча марта такрорлангач, мустақил талаффуз этилади. Бу машқлар бўгинлар, сўзлар, расмлар, шеър, ҳикоялар ёрдамида айттириш ёрдамида амалга оширилади.

“Ш” товуши иштирок этган сўзларни тўғри ва аниқ талаффуз этириш ҳамда “ш” товушининг сўздаги ўрнини аниқлаш лозим бўлади:

**Ша-ша-ша-шарф, аш-аш-аш-оташ.**

**Шо-шо-шо-шоир, ош-ош-ош-қош.**

**Шу-шу-шу-шукур, шу-шу-шу-шудринг.**

**Ши-ши-ши-ширин. Ти-ти-ти-тиш.**

**Шу-шу-шу-шұхрат, уш-уш-уш-ушқоқ.**

Ош, шеър, эшик, тош, шоли, бешик, бош, шамол, қошик, қуш, шаҳар, машина, туш, шанба, мешкоб.

“Ш” товуши иштирок этган сўзлардан иборат гапларни тўғри ўқиши ва сўзлардаги “Ш” товушининг ўрнини аниқлаш керак бўлади. Масалан: Шухрат Шўрчи шаҳрида яшайди, Дилрабо шанба ва якшанба куни уйига кетади. Шаҳноза шаҳарда ўқийди каби мисоллар келтирилади, сўнгра суҳбатга ўтилади. Бунда ўн дона номларида “Ш” товуши иштирок этган предмет расмлари танланади. Уларни аралаштириб, стол устига ёйиб қўйилади. Болаларга савол ўқиб эшилтирилади. Бола жавобини айтиб, шу предмет расмини топиб кўрсатиши зарур. У предмет номини бир неча маротаба такрорлаб, уларни тўғри ва аниқ айтиши лозим.

Кейинги машғулотни мазмунли ўтказиш вақтида, аввали, боланинг ёши, қизиқиши, нутқий нуқсонининг оғиренгиллиги, билими, ўзлаштириш қобилияти ҳисобга олинади ва тез айтишлар, шеърлар, ҳикоялар, эртакларни такрорлаши орқали мустаҳкамланади.

Ҳар бир одам нутқ ёрдамида ўз фикрини бошқаларга билдиради, ҳис-туйғуларини ифода этади. Шундай экан, ота-оналар фарзандларининг жисмоний ва нутқий тарбия-

сига, уларнинг илк ёшларидан бошлаб эътиборни қартиши ҳамда бу борада бирор камчиликни сезсалар, дархол мутахассис күмагига шошилишлари зарур.

## **“Мени эшитяпсанми, болакай?”**

Товушларни эшитмайдиган болалар нұтқидаги бузилишларнинг олдини олиш шу куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Бунинг учун ота-оналар ҳам, тарбиячилар ҳам болаларнинг ёшлик чөгларидан бошлаб товушларни аниқ эшитиб, тўғри талаффуз этишларига дикқат қилишлари ва улар нұтқида учрайдиган камчиликларни ўз вақтида тузатиб бориш ва олдини олиш чораларини кўришлар и лозим. Негаки, мактабгача тарбия муассасаларида айрим қулоғи оғир болаларда товушларни эшитиш қийин бўлиб, бу ҳол болаларнинг асаб ва психикасига анча таъсир қилади. Бу эса уларнинг нұтқи бузилиши ва ривожланмай қолишига олиб келади. Товушларни эшитмасликнинг асосий сабаби қулоқ оғригидан кейин қолган асорат, қизилча (скарлатина), қизамиқ, тумов, доимо тумовнинг қайтарилавериши бўлиши мумкин. Ота-оналар боланинг қулоқ оғригига сабаб бўлувчи тумов ва шу сингари бурун касалликларига йўл қўймасликлари керак. Агарда боланинг қулоғи оғир эканлиги (товушларни яхши эшитмаслиги) аниқланса, дарров маҳсус боғчага юбориши керак. Товушларни эшитишда озгина қийналадиган бола одатдаги боғчага қатнаши мумкин, аммо бунда тарбиячи жиддий ёрдам кўрсатиши зарур, яъни оталарингологдан ва логопеддан доимо методик маслаҳатлар, кўрсатмалар олиб туриши даркор.

Ҳар қандай машгулотда қулоғи товушни яхши эшитмайдиган (кулоғи оғир) болани тарбиячи яқинроқ жойга ўтказиши керак.

Бола билан аста-секин, аниқ (дона-дона), баланд овозда гаплашиш зарур. Боладан ҳам сўзларни дона-дона қилиб, баланд овозда гапиришни талаб қилиш даркор.

Болани лабнинг ҳаракатидан гапни уқиб олишга одатлантириш лозим. Бунинг учун бўш вақтда бола билан турли ўйин машгулотлари ўтказиш мумкин. Масалан, тарбиячи учтўртта расмни болага кўрсатади ва ҳар бирининг номини аник (дона-дона) қилиб айтади. Тарбиячи расмларнинг номларини айтатганида, бола унинг артикуляция ҳолатини кўриши зарур. Сўнгра тарбиячи секин, эшилилар-эшитилмас қилиб расмларнинг номини айтади, бола эса номи айтилган расмни кўрсатиши лозимлиги унга тушунтирилади. Шунингдек, мусиқа машгулотларида ашула эшитиш, куй тинглаш, уларнинг эшитиву дикқатини ривожлантириш учун, “Топ, нима қичқирайпти?” ўйинини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бу машгулотларда болалар товушларни дикқат билан тинглаб ўтиришлари, ҳамма болаларни саволлар бериб, фоллаштириб бориш керак.

## ЎЙИН — ТАРБИЯЧИ

Маълумки, ҳар бир ўйинда болалар нутқий муюмалага киришади. Эшитишда нуқсони бўлган болалар ўйин ва мумомала жараёнида ибора ва гапларни кўп маротаба такрорлаб, мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади.

Барча ўйинларда мусобақа, беллашув ҳамда бирорта рол бажариш элементлари мавжуд. Она тилини ўрганишда нафакат ҳаракатли ўйинлар, балки нутқий ўйин — машқлар ҳам қўлланади. Масалан, расмлар асосида бажариладиган машқقا мусобақа элементларини киритган ҳолда “Кўриб, эслаб қол” ўйини, ундов ва сўроқ гапларни такрорлашга оид машқни “Ўқитувчи ва ўқувчи” ролли ўйини сифатида ўтказиш мумкин. Бунда ўқитувчи муайян ҳаётий воқеани ифодалашга, катталар нутқига тақлид қилишга, турли сўз ва ибораларни тўғри қўллашга ўрганиди. Билимларнинг зарур эканлигини англаб етади, нутқий машқ, ўйинларга бўлган эътибори ортади. Ўйин машқлари тортичкоқ болаларни ҳам фаоллаштиришга ёрдам беради. Ўйин шартларини тезроқ ва хатосиз баражган ўқувчилар голиб чиқади. Гапирувчининг нутқини на-

Оилангизда нүқсонли бола бўлса...

фақат ўқитувчи, балки болалар ҳам кузатиб, назорат қиласди. Мусобақа ўйинларида ўқувчи материални қай тарзда ўзлаштирганлиги аниқланади, улар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар режалаштирилади.

Маълумки, нутқий билим ва малакаларнинг мустаҳкамлиги нутқий материални пухта эгаллаш ва такрорлашга боғлиқдир. Ўйин ва машқларда нутқий материал онгли равища ўзлаштирилиб, механиқ ёдлашга йўл кўйилмайди. Такрорлаш ва мустаҳкамлаш жараёнида нутқий материал умумлаштирилиб, бир тизимга солинади.

Ўйин бўлаларни жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбиялаш воситасидир. Аксарият характерли ўйинлар болаларнинг жисмоний ривожланишига ёрдам беради. Ҳаракатли ўйинларда уйғун, ритмик характерлар тарбияланади ва нутқнинг равон, ифодали бўлишига эришилади. Тўғри танланган ўйинчоқ, расм, кўргазмали қуроллар болаларда эстетик дидни тарбиялади.

Ўйинни ташкил этувчи омил унинг қоидаси ҳисобланади. Ўйин қоидаларига риоя қилган ҳолда ўқувчилар жамоада ўзини тута билишни, ўртоқларини хурмат қилишни, уларга ёрдам беришни ўрганади, интизомга одатланади.

Ўйин болаларда соғдилик ва ҳақиқатгўйлик каби хислатларни тарбиялашга ёрдам беради. Уларда ўз кучига ишонч, интилувчанлик, қатъийлик, синчковлик шаклнади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, таълим жараёнида педагоглар ўйин методларига ҳаддан ортиқ кўп вақт ажратмасликлари лозим. Она тилини ўрганишда қўлланадиган ўйинлар асосан материални такрорлаш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қилиши керак.

Дарсдан ташқари ўйналадиган ўйинларда такрорлаш, мустаҳкамлаш, билимларни чуқурлаштириш билан бирга янги материал ҳам ўрганилади.

Ролли ўйинларда турли ҳаётий ҳодисалар акс этади. Мактабгача даврда ўйналадиган ўйинлар асосан ролли ўйинлардир. Бу ўйинларда болаларнинг ижодиёти намоён бўлади.

Ўйин мавзусини танлашда ўқитувчи унинг дастур талабларига мувофиқлигини ҳамда тушунарлилигини ҳисобга

олади. Баъзан турли таълимий вазифаларни амалга оширишда битта ўйинни турли вариантларда ўтказиш ҳам яхши натижа беради. Бунда янги ўйинни тушунтиришга сарфланадиган вақт тежалади, нутқий материални мукаммаллаштириш учун имконият яратилади.

Ўйиннинг янги тури болалар учун қизиқарлироқ бўлади. Зеро, янги ўйинга қизиқиш, уни тушуниш, ўзлаштириш мушкулроқдир.

Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг тафаккури ўзига хос характеристерга эга бўлганлиги сабабли, ўйинларни кўргазмали ўтказиш тавсия этилади. Ўқувчилар ўйинларда турли ўйинчоқ ва ўқув қуролларидан фойдаланади. Агар керакли буюмлар бўлмаса, уларнинг расмидан фойдаланиш мумкин.

Ўйинни муваффақиятли ўтказиш учун, уни тўғри ташкил этиш ва жараёнга раҳбарлик қилиш талаб этилади. Дастрраб ўқитувчи ўйин қоидалари, мазмуни ва боришини тушунтириб беради. Ўқитувчи ўйин жараёнида ўқувчини нутқий фаолликка ўргатади. Самарали ташкил этилган ҳаракат ва муомала пайтида ўқувчиларда табиий, эркин, коммуникатив нутқнинг ривожланишига эришилади.

Ўйин жараёнида соғлом мұхит сақланишига ва болаларнинг ҳамжиҳатлиқда ўйнашига эътибор берилиши лозим. Уятчан, камгап болалар фаол ролларга жалб этилса, янада ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлади.

## **“Р” товушини нутқقا киритиш усуллари**

Болани тўғри талаффузга ўргатиш учун, машғулотларни ойна олдида туриб ўтказсак, яхши самарага эришиш мумкин. Бунда болалар ойна орқали ўз нутқ аппаратларининг ҳаракатларини кўради. Мақсадга қаратилган муайян машғулот туфайли, ота-оналар болаларига яхши талаффуз этилмайдиган у ёки бу товушларни тўғри айтиш учун ёрдам берган бўлади.

Чунончи, ота-оналар ўз болаларини тұғри талаффузга ўргатаркан, күйидагиларга эътибор беришлари лозим:

1. Нотұғри талаффуз этилаёттан товушни тұғри талаффуз этишга ёрдам берадиган машқ комплексини танлаш.

2. Болалар билан мажбуран машқ ўтказмаслик керак. Болалар машқ үйин шаклида ўтказилғанлыги туфайли, сезмаганлыклари маъқул.

3. Бир машғулотда 2-3 машқ ўтказищ лозим.

4. Бир машқни ўзлаштиргандан кейин иккінчи машққа ўтиш тавсия этилади.

5. Баъзи машқларни бирор киши санаб турғанида бажартириш яхши натижә беради. Бунда болалар тил ва лабларининг муҳим ҳолатлари турғунылиги сезилади.

6. Боланинг нутқида йўқ товуш ҳосил бўлса, ҳосил қилинган товушни очиқ ва ёпиқ бўғинларда талаффуз этириш керак. Сўнгра ҳосил қилинган товушни сўз ва гапларда тұғри айтишга ўргатиш лозимdir.

Болалар ўртасида сирғалувчи, шовқинли С, Э, Ц, Ш, Ч ва Р-Л сонор товушларнинг талаффузи ҳамда уларнинг дифференцияланған (фарқланиши) жиҳатидан нутқи бузилғанлари кўпроқ учрайди. Тұғри нутқни тарбиялаш ва ундан камчиликларни бартараф этиш комплекс даволаш методларини тақозо этади.

Биз, аввало, қуида “Р” товушининг артикуляцияси билан, сўнгра “Р” товушни нутққа киритиш усуллари билан танишиб ўтамиз.

“Р” товуши сонор, титроқ, тил олди ундош товушdir. “Р” товуши талаффуз этилганда артикуляцион органлар қуйидаги ҳолатда бўлади. Лаб ундош товушдан сўнг кела-диган унли товушнинг ҳолатини олади (ра-ра, ро-ро, ру-ру, ре-ре...) Тил учи юқори тишлар орти-альвеола томон кўтарилади ва тил учida бир оз чукурча пайдо бўлади. Шу чукурчадан чиқсан ҳаво оқими тил учини титратиб ўтади. Натижада титроқ товуш ҳосил бўлади. Шу пайтда тилнинг орқа қисми пасайған ҳолатни олади. Овоз пайчалари жип-слашиб титрайди ва чиқаётган товуш оқими кучли бўлади. Талаффуз пайтида “р” товуши ҳосил бўлмаса, бу ҳолат ротацизм дейилади.

Баъзи болалар “т” товушини аниқ талаффуз эта олмайди. Чунки уларнинг тил учи кераклигича титрамайди ва “р” товуши секин юмшоқ талаффуз этилади. Баъзиларида эса “р” товуши тил учи титраши ҳосил бўлмай, балки тилнинг ён томони тебраниши натижасида “р-л” ёки “рль” “юмшоқ” товуш ҳосил бўлади. Бундай ҳолатлар пароротализм дейилади.

Пароротализмда қўйидаги алмашиниш юз беради:

“Р” товуши “в” товуши билан алмашинади (масалан, ранда — ванда, сариқ — савиқ);

“Д” товуш билан ҳам алмашиши мумкин (ром — дом, урок — удок, зўр — зўд);

“Й” товуши ўрнида ҳам ишлатилади (роҳат — йоҳат, анор — аной, бор — бой);

“Л” товуши ҳам бундан мустасно эмас (рос — лос, дори — дали, тер — тел).

Талаффузидаги бундай камчиликларни бартараф этишда, аввало бола нутқи текширилиб, унинг сабаблари аниқланади.

Талаффузидаги бундай камчиликларни бартараф этишда, аввало, бола нутқи текширилиб, унинг сабаблари аниқланади.

Айни пайтда болаларда нутқни тузатиш усулларига қизиқиш уйғотиш зарур. Бунинг учун бир неча машғулот ўтказиш усулларидан фойдаланишни тавсия қиласиз.

1-усул. Ойна олдида ўтирган болага оғзини катта очиши ва тилни юқориги тиш орқасига (альвеолалар томон) кўтариб, “э” товушини талаффуз этишни таклиф этамиз. Шунда у ўзи маҳсус зонд ёрдамида тил юганчасини тебратиб, “р” товушига ўхшаш товушни ҳосил қилдиради. Сўнгра механик воситалар ёрдамида вужудга келган “р” товушини очиқ ва ёпиқ бўғинларни, сўзларни, гапларни, шеър ва ҳикояларни ўқитиш орқали мустаҳкамлаймиз.

2- усул. Юқоридаги усулни қўллаган ҳолда “ж” товушини айттирасиз. Бунда ҳам механик воситалардан фойдаланиб, уни мустаҳкамлашга ўтасиз.

3- усул. Болага “д-д-д...с” товушини узоқ чўзиб ва баланд овоз билан айттирасиз. Талаффуз вақтида боланинг ўзи тилнинг учини тепа альвеголаларга урилиб туришини

Оилангизда нүқсонли бола бұлса...

ойна орқали күриб туради. Тил учининг тёмпи (суръати) тезлашади ва тил учининг тебраниш ҳолатлари ҳар хил (д-д-д-д...) вазнда бўлади. Ҳар хил вазнда чиққан товуш очиқ ва ёпиқ бўғинларни талаффуз эттириш ёрдамида машқ қилдирилади.

Масалан:

адллда	адллд	аддо
дллдо	адллд	оддудо
дллду	улллл	удллду
ллду	улллд	удллду

Тил учининг тебраниши натижасида "р" товуши ҳосил бўлгач, у бўғинларни, сўзларни, шеърларни ва ҳикояларни айтириш ёрдамида мустаҳкамиланади.

## 1-МАШГУЛОТ

Машгулот мавзуси: "Р" товуши иштирок этган бўғинларни, сўзларни тўғри ва аниқ талаффуз эттириш.

Машгулотнинг мақсади: Ҳар бир боланинг "р" товушини тўғри талаффуз этишига эришиш.

Олдиндан қилинган иш: "р" товуши талаффузи устида машқ ўтказилган.

Методик кўрсатма: "р" товуши иштирок этган очиқ ва ёпиқ бўғинларни, сўзларни аниқ талаффуз эттириш. Мустақил сўзлар топиб айтишга ўргатиш.

Машгулот учун материал: "р" товуши иштирок этган бўғинларни ифодали тарзда равон ўқиб эшиттириш.

"Р" товуши иштирокидаги бўғинларни баланд овозда ўқиши. Сўнгра сўзларни логопед сўзидан сўнг қайтариш асосида ўқиши.

А) "Р" товуши иштирокидаги бўғинларни ўқинг. Аввал очиқ бўғинларни, сўнгра ёпиқ бўғинларни баланд овозда ўқиб эшиттириш ва ўқитиши.

Ра	ар
ро	ор
ри	ир
ру	ур
рӯ	ӯр

б) Бўғинлар ёрдамида сўз туздириш.

Ра-ра-ра-райхон;	ар-ар-ар-арра
Ро-ро-ро-роман;	ор-ор-ор-бемор
ри-ри-ри-резина;	ир-ир-ир-томир
ру-ру-ру-ручка;	ур-ур-ур-суксур
рӯ-рӯ-рӯ-рӯмол;	ӯр-ӯр-ӯр-шӯр

в) Сўзларни равон ўқиттириш.

Резина	парта	сигир
ракета	хурмажигар	
райхон	хўроз	камар
рамка	олҳури	кўмири
ручка	ўрмон	каптар
рубоб	журнал	занжир
Рустам	филдирак	капкири
Рашид	ёруғ	темир
	ва ҳоказолар.	

### Предметли расмлар билан ишлаш

Болаларга номларида "р" товуши иштирок этган нарсаларнинг расмлари (бодринг, байроқ, рубоб, хўroz, телевизор, ўрдак, сигир, анор, дафтар, тарвуз, тарелка) кабилар тарқатилади. Тарқатилган расм номларини бўғинларга ажратиб талаффуз этишлари таклиф этилади.

Шунингдек, сўзнинг қайси бўғинида "Р" товуши иштирок этганлигини аниқлаб, уни тагига чизиб кўрсатишлари боладан сўралади.

Талаффуз камчиликларини бартараф этишда қуйидаги ўйин шаклида олиб борилган машгулот логопедлар учун катта қизиқиш уйғотди. Бу биз, логопедлар ишини янада енгиллаштирди. Логопедлар қизиқиб ўйинда берилиб иштирок этганликлари учун ҳам айрим товушлар талаффузи камчиликлари эрта бартараф этилди.

### 2-МАШГУЛОТ

Машгулотнинг мавзуси: Отлар ўйини ёрдамида "р" товушининг талаффузини аниқлаш.

Оилангизда нуқсонли бола бўлса...

Машғулотнинг мақсади: "р" товушининг болалар томонидан тўғри талаффуз этилишига эришиш.

Методик кўрсатма: "р" товуши талаффуз этилганда тил юқори тишлар орқасига қўтарилиган, лекин сиқилган бўлмай, учи титрайди, деб болаларга айтиш керак.

Олдиндан қилинган иш: "р" товуши устида машқ үтказилган, тилни юқори тишлар орқасига қўтариш малакаси ҳосил қилинган.

Машғулотга тайёргарлик: Болаларнинг "р" товушини қандай талаффуз этишларини аниқлаш.

Машғулот учун материал: "Отлар ўйини"

Болалар уч гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ болалири от ҳайдовчилар, иккинчи ва учинчи гуруҳ болалари эса отлар бўлишади. Отларни тасвирловчи болалар иккитадан бўлиб, қўл ушлашиб (қўлларини бир-бирининг устидан чалишитириб үтказадилар) турадилар. Отлар ҳайдовчининг бошқаруви асосида отлардек югурадилар. Логопеднинг сигнали асосида ҳайдовчи отларни "дрррр..." деб тўхтатадилар. Сўнгра роллар алмашинади.

### 3-МАШҒУЛОТ

Машғулот мавзуси: "Нима қўшилди?" ўйини ёрдамида "р" товушини сўзларда тўғри талаффуз этишни ўргатиш.

Машғулотнинг мақсади: "р" товушини сўзларда тўғри талаффуз этишлари устида машқ қилиш.

Методик кўрсатма: болалар "р" товуши бор бўлган сўзларни ва "р" товушини бошқа товушлардан бироз ажратиб, баланд, аниқ талаффуз этсинлар.

Олдиндан қилинган иш: "р" товуши талаффузи устида машқ үтказилган.

Машғулотга тайёргарлик: Номида ва сўзнинг турли қисмида "р" товуши бор бўлган ўйинчоқларни, предметли расмларни танлаш. Масалан: арра, ручка, ракета, редиска, трамвай, шар, пароход, карта, партя, тарелка, рўмол, анор, анжир ва ҳ.к.

Машғулот учун материал: "Нима қўшилди?" ўйини.

Стол устида тўртта ўйинчоқ ёки предметли расм қўямиз. Болалар стол устида нима борлигини айтадилар. Ўйинда иш-

тирок этаётган бола стол устидаги предмет ёки ўйинчоқларни яхшилаб кўриб олади ва орқасини ўтириб туради. Бу вақт ичида логопед битта ўйинчоқ ёки предметни қўшиб қўяди. Бола ўгирилиб, стол устига диққат билан қараб, қандай предмет қўшилганилигини айтиб беради. Ўйин давомида ўйинчоқларнинг бир қисми аралаштирилади. Машгулотнинг охирида болаларнинг ўзига "р" товуши бор бўлган сўзлар ўйлаб топиш таклиф этилади.

#### **4-МАШГУЛОТ**

Машгулот мавзуси: "Қарғалар ўйини" ёрдамида "р" товушини нутқда тўғри талаффуз этишга ўргатиш.

Машгулотнинг мақсади: болаларни "р" товушини маъноли, нутқда тўғри талаффуз этишлари устида машқ қилдириш.

Методик кўрсатма: болаларни баланд овозда аниқ, мазмунли гапиришга ўргатиш.

Олдиндан қилинган иш: "р" товуши сўзларда қандай талаффуз этилишини аниқлаганмиз.

Машгулотга тайёргарлик: болалар билан ўйин матнини олдиндан ўрганиш ва уни ўтказишни ўйлаш.

Машгулот учун материал: "Қарғалар ўйини"

Болалар уч гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ болалари арчаларни тасвирлаб, қўлларини пастга туширган ҳолда дсира ўртасида турадилар ва шундай дейдилар: "Яшил арчалар тагида қарғалар қағиллашмоқда". Иккинчи гуруҳ болалари қарғалар бўлиб доира ичига сакраб-сакраб киришади ва қарр, қарр, қарр..." деб қағиллашади. Биринчи гуруҳ болалари шундай дейдилар "Пўчақ билан уришдилар, томоқларини қиришдилар". Иккинчи гуруҳ болалари "Қарғалар" деб тез темпда қағиллашади. Биринчи гуруҳ болалари: "Арчалар, мана, итлар югуришди ва қарғалар учиб кетишди" деб айтишлари билан учинчи гуруҳ болалар ("итлар" тасвирланганлар) доирага "р, р, р, р, р..." деб ириллаб югуриб киришади ва "Қарғалар"нинг кетидан қувишади. "Қарғалар" (олдиндан белгилаб қўйилган жойга) инларига "учиб" кетишади. Ушланган "қарғалар" "итлар" гуруҳи-

Оилангизда нүқсонли бола бўлса...

га қўшилишади. Ўйин то икки-учта чаққон "Қарғалар" қолгунча давом этади, сўнгра болалар ролларни алмашадилар, ўйин яна давом этади.

### 5-МАШГУЛОТ

Машгулот мавзуси: "р" товуши иштирок этган сўзлардан товушларни ажратা олиш (сўзларни товуш жиҳатдан анализ қилиш)ни ривожлантириш учун "Ким диққатли?" ўйини.

Машгулотнинг мақсади: товушларни таҳлил, синтез қилиш жараёнлари фаолиятини ривожланиш.

Олдиндан қилинган иш: "р" товуши талаффузи устида машқ ұтказилган.

Машгулот учун материал: "Ким диққатли?" ўйини.

1-вариант: болалар стулчаларда ўтиришади. Логопед уларга шундай дейди: "Хозир мен сизларга бир нечта расмларни кўрсатиб сўз айтаман, сизлар эса мен айтган сўзларнинг ҳаммасида қайси товуш кўпроқ учрашини айтасизлар".

Кейин логопед "р" товуши билан бошланадиган сўзлар расмларни кўрсатиб, уларнинг номларини айтади: ручка, рўмол, ракета, ранда, редиска, рамка, резина, рубоб кабилар.

"Хўш, болалар, ким менга ана шу сўзларни қайта айтиб беради?" деб, бу сўзларнинг бошида қайси товуш келаётганилигини сўрайди. Болалар сўзларни айтадилар (болаларга расмларни яна бир бор кўрсатиш мумкин). Сўнгра ўзлари "р" товуши билан бошланадиган сўзларни ўйлаб топадилар.

Услубий кўрсатма: расм номларини болаларга айтиётганимизда, унинг номини бошқа товушлардан чўзиброқ талаффуз этамиз. Болалар айтилган барча сўзларни такрорлаётгандарида "р" товушини аниқ, ҳеч қандай унли товушларни кўшмасдан ри ёки ир деб эмас, р талаффуз этишларини кузатиб бориш керак.

2-вариант: "р" товуши сўзнинг охирида келадиган расмларни танлайди, масалан, светофор, анор, доктор, телевизор, сигир, каптир, милиционер, дафтар, нибуфар, камар, кўмир, трактор ва бошқалар.

3-вариантда эса "р" товуши сўзнинг ўртасида келадиган сўзларни танлаймиз. Масалан: хўрозд, олхўри, чигиртка, гу-

гурт, гитара, қар тошқа, карам, ўрдак, пароход, парда, қурбақа, байроқ, барабан, шарф, арра ва бошқалар. Бу сўзларни айтиш билан "р" товушини бошқа товушларга нисбатан чўзиброқ, аниқ талаффуз этамиз. Сунгра биринчи сўзни айтаман, масалан, қўғирчоқ. Бунда "ғ" товуши сўзнинг бошида, охирида ҳам келади. Ҳуроз-бунда "х" товуши сўзнинг бошида, охирида "з" товуши, сўзнинг ўртасида эса "р" товуши келади. Ҳамма сўзлар шу тариқа товуш жиҳатдан анализ қилиниб, "р" товуши сўзнинг ўртасида келганлиги айтилади. Логопед ўйин даврида доимо болаларга мурожаат этиб туриши керак.

Методик кўрсатма: бу ўйиннинг учта турини бошқа товушлар билан ҳам ўтказиш мумкин. Бу ўйинни ўтказиша энг биринчи чўзиб талаффуз этиладиган товушларни сўзларни ажратиб талаффуз этиш енгил бўлади.

4-вариант: Ўйин учун "р" товуши сўзнинг турли қисмларида келадиган ўйинчоқлар, расмлар танлайди (сўзнинг бошида, ўртасида, охирида). Болаларнинг товушларни ажратта олиш малакасини мустаҳкамлаш мақсадида баъзан номни билдирувчи сўзлар орасида "р" товуши бўлмаган предметларнинг номини ҳам келтирамиз.

Методик кўрсатма: бу ўйинни биринчи марта ўтказганда, "р" товушини бошқа товушларга нисбатан чўзиброқ талаффуз этамиз. Ўйин такрорланганда, аниқ қилиб "р" товушини бошқа товушлардан ажратмасдан айтамиз. "Р" товуши бўлмаган сўз айтилганда янгилишиб, кўлини кўтарган бола "айби"ни тузатиш учун ўзи "р" товуши бор бўлган сўз айтиди. Ўйин такрорий ўйналганда болалар сўзларни қуруқ ёдлаб олмасликлар учун, предметнинг туриш тартиби ва номи ўзгартирилади. Бу ўйинни бошқа товушлар билан ҳам ўтказиш мумкин.

Нутқни тузатиш-тарбиялаш ишларида болаларнинг тил омиллари, руҳий ҳолатлари ҳисобга олинади. Болаларни ўқитишини уларда диққат, хотира, ўзларини тута билиш, кўнкималарини тарбиялаш билан узвий боғлиқ равишда олиб бориш кўзда тутилади.

Логопедик иш қуйидаги йўналишларда олиб борилди:

-мавзу жиҳатдан бирлаштирилган пассив ва актив лугат (сўз) бойлиги шакллантирилди;

- талаффуз күникмалари шакллантирилди;
- фонетик идрокни, товушни таҳлил ва синтез қилиш күникмалари ривожлантирилди;
- сўз тузиш, равон нутқда ҳар хил гаплар тузиш ўргатилди;
- сўз бойлигини ошириш ва нутни грамматик жиҳатдан тўғри шакллантириш нутқнинг лексик, грамматик таркибини ҳамда фонетик таркибини такомиллаштиришга ёрдам беради, бу эса ўзбек болаларининг умумий таълим мактабларида она тилларида ҳам, рус тилида ҳам ўқий олишларига шароит яратади.

Агар боғча ёшидаги бола билан 2-3 йил мунтазам равишда индивидуал ва фронтал (чукур) иш олиб борилса, аммо унинг нутқида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаса, товушларни нотўғри талаффуз этса, у вақтда бунинг сабабини аниқлаш учун логопед (мутахассис)га мурожаат этиш керак.

## Аномал болалар

(Биринчи мақола)

Узоқ кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики, инсоннинг тўлалиги ҳам, полвонсифатлиги ҳам, ёноқларининг қизиллиги ҳам ўз-ўзидан саломатлик мезони бўла олмайди. Саломатликнинг моҳияти жисмоний ва маънавий кучларнинг уйғун, асад сисистемасининг мувозанатда бўлиши, чидамлилик, турли хилдаги заарали таъсиrlарга қарши бардош бера оладиган бўлишлариdir. Бизга маълумки, ҳаёт болани кўп синовларга дучор қиласди. Бу ҳаракатнинг кескин ўзгаришими ёки инфекциями, жисмоний зўриқиши ми ёки изтиробми, ҳис-ҳаяжонми ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Бақувват организм унга мақсадга мувофиқ реакциялар билан жавоб беради, ўзи учун курашади, нимжони эса курашишга ожизлик қилиб, мағлуб бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, боланинг хоҳ она қорнида, хоҳ тугилганидан кейин ривожланиб бориши учун зарур бўлган маълум шарт-шароитларнинг бузилиши турли

хил аномалияларга, яъни жисмоний ёки рӯҳий нуқсонли камчиликларга олиб келиши мумкин.

Келиб чиқиш сабабларига кўра, ҳар қандай аномал ривожланиш түфма ёки турмушда орттирилган бўлиши мумкин.

Онанинг ҳомиладорлик даврида турли хил касалликлар билан оғриши, ўзбошимчалик билан турли дори-дармонларни билар билмас истемол қилиши боланинг аномал бўлиб туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга, түфма аномалиялар генетик, яъни ирсий омиллар таъсирига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, эшлиш, кўриш фаолиятининг бузилиши, ақлий заифликнинг наслдан болага ўтиши ҳам кузатилади.

Ота-оналарнинг алькоголизм, наркомания, таксикоманияга ружу кўйиши ҳам боланинг аномал бўлиб туғилишига олиб келади.

Турмушда орттирилган аномалиялар бола организмига туғилиш вақтида ва ундан кейинги даврларда заарли омиллар таъсири этиши натижасида вужудга келади. Туғруқ вақтида мия шикастланиши, боланинг киндиги ўралиб бўғишиб қолиши (асфиксия) ва бошқалар шулар жумласидан.

Боланинг жуда ёшлигидан турли касалликлар билан оғриши, масалан, менингит, менингоэнцефалит, отит, марказий асаб сисистемасининг шикастланиши ва бошқа шу сингари дардларни бошидан кечириши ҳам аномал ривожланишга сабаб бўлувчи омиллардир.

Хозирги кунга қадар бизга аномал болаларнинг еттига тоифаси маълум.

1. Эшлиши аъзоларининг касалликларига эга бўлган болалар (туғилишидан кар, соқов, қулоғи оғир болалар, кейинчалик қулоғи оғир бўлиб қолган болалар).

2. Кўриш қобилияти заиф (кўр, кўзи хира болалар).

3. Кўр, кар, соқов болалар.

4. Олигофрен (дебил, имбекил болалар).

5. Оғир нутқий нуқсонлари бор болалар.

6. Ҳаракат- таянч аъзоларида камчиликлари бўлган болалар.

7. Рӯҳий ривожланишдан срқада қолган болалар.

Юқорида берилган аномал болаларнинг жисмоний ва рӯҳий ривожланишида кузатиладиган оғир, кескин ўзгаришлар бола шахсининг таркиб топишига салбий таъсири кўрса-

Оилангизда нуқсонли бола булса...

тади. Шунинг учун бундай болаларни тарбиялаш, уларга таълим бериш ўзига хослик касб этади, улар мактабларда маҳсус дастур ва дарслерлар асосида ўқитилиши ва тарбияланиши зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бола ривожланишидаги турли хил камчиликлар нокулай муҳит, нотўғри тарбия ва таълим натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан, нокулай оиласидан шароит, педагогик қарорсизлик, ўқитувчининг болага нотўғри муносабати ва бошқа кўпгина сабаблар бола ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, унинг дастур материалларини яхши ўзлаштира олмаслигига, улгурмовчи ўқувчилар сирасига қўшилиб қолишига сабаб бўлади.

Шундай бўлса-да, биз бундай болани аномал болалар тоифасига киритмаймиз. Негаки, унинг ривожланишидаги камчиликлар организмдаги қандай бўлмасин, бирор органик ёки функционал патологик ўзгаришларга боғлиқ бўлмай, балки бошқа сабаблардан келиб чиқсан бўлиши мумкин. Тарбиячи ва ўқитувчилар бундай болаларни аномал болалардан фарқлай оладиган бўлишлари керак.

Ҳозирги пайтда болалар аномалиясининг олдини олиш юзасидан кўпгина чоралар кўрилмоқда, бу соҳада анчагина ютуқларга ҳам эришилди. Республикаизда даволаш-профилактика ёрдами кенгайгани ҳамда медицина соҳасидаги катта ютуқлар туфайли, аномал болалар сони нисбатан камайди. Болаларнинг чечак, ўлат, тиф, вабо, трахома, қизамиқ ва болаларга хос бошқа юқумли касалликлар орқасидан аномал бўлиб қолиш ҳодисаларига деярли барҳам берилди. Бизнинг вазифамиз эса мутахассис сифатида болалардаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш, ташхис қилиш ва болалардаги нуқсоннинг турига қараб, уларнинг таълим-тарбиясини ташкил қилишдан иборат.

## Нутқдаги нуқсонлар

(Иккинчи мақола)

Айрим ота-оналар З ёшдаям бемалол мулоқотга кириша олмайдиган ёки мактабга боргач ҳам “Р” ҳарфини талаффуз қилолмайдиган фарзандини етаклаб мутахассис ши-

фокор излаб юради. “Тили кечроқ чиқаяпти-да” ёки “Сал соқовроқ бўлди-да”, дейишади. Ҳолбуки, тилнинг кеч “чиқиши” маълум бир касаллик, у вақтида бартараф этилмаса, хунук оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Аслида болани боғчадаёқ мактабга тайёрлаш ва ўзаро мулсқотга ўргатиш лозим. Модомики, ҳаракат ва сўз инсоннинг ўзлигини намойиш этувчи асосий восита экан, бунинг учун боланинг жисмоний ва нутқий тарбиясига илқ даврдан бошлаб эътиборни қаратмоқ лозим. Нутқ камчиликларининг келиб чиқиши сабабларини оиласда ҳар бир ота-она, мактабгача тарбия муассасаларида тарбиячилар, мактабда эса ўқитувчилар билишлари зурур.

Чунки нутқ кишиларнинг тил воситаси орқали алоқамулоқот қилишидир. Асаб системасининг сигналлари воситасида нутқ органларининг турлича шаклланиши ёки ҳаракати натижасида пайдо бўлади. Шунинг учун нутқ товушларини вужудга келтирувчи манбаларни, органлар физиологиясини, уларнинг фаолиятини ўрганиш, талаффузлаги нуқсонларнинг келиб чиқиши сабабини аниқлаш тўғри ва равон талаффузни таъминловчи омиллардандир.

Нутқ болаларда аста-секин шакланади. Бола ўсиб ривожланган сари, нутқи ҳам ривожланиб боради. Аслида бола нутқининг ўсиб боришидаги ҳал қилувчи босқич бир ярим ёшдан беш ёшгача бўлган даврга тўғри келади. Бу даврда боланинг нутқи муайян суръатда, беш ёшдан кейин эса нутқ интенсив равишда хилма-хил ўсиб боради. Бизга маълумки, болаларнинг камол топиши бир меъёрда бормайди.

Нутқ камчиликларини келтириб чиқарадиган айрим сабаблар:

1). эмбрион ривожланиш давридаги турли хил патологик ҳолатлар;

2). онанинг ҳомиладорлик вақтида қаттиқ асабийлашиши, керакли овқатларни истеъмол қилмаслиги, вақтида дам олмаслиги, қорни билан йиқилиб тушиши, ҳомиладорлик вақтидаги бошқоронғилик, вирусли ва эндокрин касалликлар, жароҳатлар, қоннинг резус факторга мос келмаслиги;

3). турғуқ вақтида шикастланиш ва асфиксия, қисқичлар билан түғдириш, миянинг лат ейиши;

- 4). бола ривожланишининг бириңчи йилдаги бош мия касалларлари (минингит, энцефалит);
- 5). миянинг чайқалиши билан бирга содир бўладиган бош мия жароҳатлари;
- 6). наслий омиллар. Бундай ҳолатлардаги нутқ бузилишлари умумий асаб тизими бузилишларининг бир қисмини ташкил этиб, интеллектуал ва ҳаракат камчиликлари билан бирга кузатилади;
- 7). ижтимоий-маиший шароитнинг ёмонлиги. Бу ҳолат микросоциал педагогик қаровсизликка, вегататив дисфункцияга, эмоционал-иродавий мұхитнинг бузилишига ва нутқнинг ривожланмай қолишига сабаб бўлади.

Ҳамма нутқ бузилишлари, келиб чиқишига кўра, икки хилда, марказий ва переферик характерда бўлади.

Марказий бузилишлар, марказий нерв системасининг уёки бу қисмлари бузилиши, заарланиши натижасида келиб чиқади. Марказий характердаги органик нутқ бузилишларига алалия, афазия, дизартрия нутқ камчиликлари киради. Переферик бузилишлар эса артикуляцион аппаратнинг нотўри тузилиши ёки бузилиши ва переферик нерв артикуляцион органлар инвервациясининг бузилишидан келиб чиқади. Переферик характердаги органик нутқ бузилишларига ринолалия, прогнтил, протения киради.

Функционал нутқ бузилишида нутқ жараённида иштирок этадиган аъзолар тузилишида ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмайди. Функционал характердаги нутқ бузилишларига дислалия, дудукланиш каби нутқ нұқсонлари киради.

Нутқ камчиликлари, авваламбор, товушларни нотўри талаффуз қилиш ёки сўзлар нотўри айтилаётганда кузатилади. Бола нутқи уларнинг ақлий жиҳатдан ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Айниқса, алалия, дизартрия, анартрияга учраган болалар ақл жиҳатдан кам ривожланадилар. Бундай болаларда атроф ҳаёт билан алоқадорлик тартиби бузилади, натижада уларнинг билимлари, ҳиссиётлари ва бошқа психик пжараёнлари пасайиб, бутунлай қашшоқлашиб қолади. Бундан ташқари, айрим ота-оналар болаларининг нутқи энди ривожланиб келаётган даврда нутқида камчилик сезсалар-да, бу камчиликларни бола ҳали ёш деб, уни эркала-

тиб, буюмлар номларини түғри талаффуз қилиш ўрнига, болага тақлид қилиб бола тилида сұзларни нотұғри ұргатадилар. Машинани “би-бииб”, нонни “нана”, сувни “имма”, “ова”, “келинг” сұзини “телинг” каби нотұғри талаффуз қиласылар. Бундай ҳол бола талаффузининг нотұғри ривожланишига олиб келади. Болада нұтқ ривожининг орқада қолаёттанини ҳар бир ота-она зийраклик билан кузатыб бориши зарур, Фарзандлары сұзларни бир-бiri билан боғлаб гап тузиб, фикрларини айта олмаёттан бұлсалар, бепарво қарамасликлари зарур. Масалан, күйлагимни кийдириб күйинг, деб мурожаат қилиш ўрнига, уни күрсатыб “тия” деб кийишгә уриниши ҳам унинг нутқи ривожидаги камчиликка далил бўлиши мумкин.

Шунингдек, товушларни талаффуз қилишда уларни бир-биридан ажратса билмайди, товушлар гуруҳини артикуляция жиҳатидан осонроқ бўлган товушларга алмаштиради, баъзи ҳолларде нутқда бор товушларни бузиб, нотўғри талаффуз этадилар. Сўзларни нотўғри, маъносиз, бир-бирига боғла-май ишлатадилар. Улар мустақил ёки ўзларича эркин гапира олмайдилар.

Айрим вақтларда имо-ишора ёки тақлидий сүзлар орқали муносабатда бўладилар. Нутқи бузилган бундай болаларга мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи индивидуал муносабатда бўлса ва нутқининг бузилиш сабабларини ўрганса, бола нутқини тўғрилашига ёрдам берса, боланинг товуш талаффузидаги камчиликларни тўғрилашга эришиш мумкин. Шунинг учун нутқни эшитувчи анализаторларининг ривожланиши жуда муҳимдир. Чунки буларнинг барчаси атроф-муҳит билан узвий боғланган бўлади. Агар бола янги, аниқ таассуротлар олиб турмаса, унинг ҳаракатлари ва нутқининг ривожланиши учун зарур шароит яратиб берилмаса, боладаги жисмоний ва психик ривожланиш тормозланади. Шунинг учун болаларни илк ёшлигидан бошлаб предметларни танишга, атрофдагиларнинг овозини эшитишга ўргатиб бориш керакки, биз бу билан бола нутқининг ривожланишига ёрдам берган бўламиз.

Нутқида камчилиги бүлган болалар учун мактаб ва поликлиникаларда маҳсус пунктлар күпайтирилса ҳамда уларга педагогик ва тиббий ёрдам күрсатиш яхши йўлга кўйилса яхши бўларди.

Оилангизда нүқсонли бола булса...

Хәёт давомида келиб чиққан нутқ кәмчиликларини бартараф этиш мақсадида ҳозирги пайтда умумтаълим мактабларида логопед кабинетлари мавжуд. Шунингдек, фарзандлари нутқида камчилиги бўлган ота-оналарга кўрсатиш мақсадида барпо этилган турли муассасалар иш юритмоқда. Уларни болалар боғчаси ва болалар поликлиникасидан суриштириб топасиз. Бундан ташқари, нутқида қўпол камчилиги бўлган болалар учун “Махсус нутқ боғчалари”, ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатлар мавжуд. Айнан ана шу муассасаларда болалар ва ўсмилардаги ҳар хил кўринишдаги нутқ камчилигини бартараф этишда логопед ёрдами кўрсатилади.

## Ақлий қобилияти қай даражада?

(Бошлангич синфларда  
ўзлаштирасликнинг баъзи сабаблари)

Ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириши учун нормал ақлий тараққиёт, жисмоний баркамоллиги ва бошқа шарт-шароитлар муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, боланинг ақлий ва ахлоқий тараққиёти наслий қобилияти натижасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Боланинг нормал ўсиши учун қуйидаги шарт-шароитлар бўлиши лозим.

### 1. Бош мия ярим шарларининг нормал ишлashi.

Улар сезги органларимиз орқали келадиган импульсларни марказий асаб тизимида таҳлил этиб, тегишли жавобларни вужудга келтиради. Агар бош мия ярим шарлари жароҳатланса ёки кучли шамоллаб касалликка чалинса, нормал руҳий тараққиёт бузилади, мияда мураккаб асаб алоқалари ва мураккаб руҳий жараён, умумлаштириш ва тушунтириш қобилияти бузилади. Мия фаолиятининг оғир касалланиши ва мураккаб асаб жараёнларининг бузилиши ақлий заифликнинг физиологик манбаи ҳисобланади.

### 2. Боланинг нормал жисмоний ўсиши ва асаб жараёнларининг нормал тонуси.

Агар асаб тонуслари шамолласа ёки жароҳат натижасида

бузилиши рўй берса, асаб фаолиятида тормозланиш ва қўзғалиш жараёнлари бўлмайди. Бундай болалар тез аччиқланадиган, тажанг, ҳар бир таъсирга терс ва кўпол жавоб берадиган бўлиб, улар ақлий тараққиётда ўз тенгдошларидан орқада қола бошлайди, натижада ўзлаштирумайдиган ўқувчилар қаторидан жой олади. Улар билан махсус даволаш-соғломлаштириш ва тарбиявий тадбирларни амалга ошириш, бальзиларини эса даволаш-соғломлаштириш муассасаларига юбориш лозим.

### **3. Боланинг ташқи дунё алоқасини таъминловчи сезги органларининг сақланиши.**

Ўз-ўзидан маълумки, кўриш ва эшитиш камчилиги зеҳни пастликка олиб келмаса ҳам, нутқий тараққиётнинг бошланғич даврида чала эшигадиган болалар бошқа киши нуткини тўлиқ қабул қила олмайдилар. Натижада, бундай болалар ўқиши фаолиятининг дастлабки давриданоқ орқада қола бошлайдилар.

### **4. Боланинг уйда, боғчада ва мактабда изчил ва давомли ўқитилиши.**

Масалан, болани тўғри ёзишга ўргатиш учун сўзни таҳлил қилиш, товушларни синтез қилишга ўргатилади. Шунингдек, ҳар бир товушни тўғри ва аниқ талаффуз этиш талаб этилади. Шундай қилинса, саводли ёзиш малакаси шаклланиб боради.

Математик амалларни ўргатишда баъзи болалар амалларни бажаришга қийналадилар, тенгдошлари оғзаки бажарадиган амалларни у бармоқ ёки қўл билан бажаради. Бундай болаларга ўқитувчи томонидан ўз вақтида ва системали ёрдам кўрсатилмаса, улар ўз тенгдошларидан тараққиётда ҳам, фан мавзуларини ўзлаштиришда ҳам орқада қолишлари мумкин.

Ўзлаштирмасликнинг сабабини билиш, айниқса, 1-синифда ўзлаштирмаслик сабабларини аниқлаш боланинг келажак тақдири, ўқиёттан синф ва мактабнинг обрўйи, ўқитувчнинг шу синфда намунали ижодий иш олиб бориши учун катта аҳамиятга эгадир.

Зеҳни паст болаларнинг ўзлаштирмаслик сабабларини тўғри аниқлаб, тўғри педагогик тавсиянома ёзиб, уни сақлаш комиссияларига тақдим этиш учун ўқитувчидан бу ҳақда ту-

шунчага эга бўлиши талаб этилади. Агар зеҳни пастлиги на-тижасида ўзлаштирмаётган ўкувчи ҳақида нотўғри хулоса чиқарилса, бола учун ҳам, мактаб учун ҳам катта хатоликка йўл кўйилиши мумкин. Ўзлаштираслик ҳақида нотўғри ху-лоса чиқариш натижасида ақли заиф болаларни умумтаълим мактабларида ўқитиш, ошна-оғайнигарчилик йўли билан синфдан-синфга кўчириш ҳоллари ҳозир ҳам давом этиб ту-риди. Бундай болалар нормал мактабларда ўз ақлий тарақ-қиёт даражасига мос равишда билим ва кўникма ололмайди-лар, умумий таълим мактаби дастурини ўзлаштира олмай, орқада қола бошлайдилар. Шу сабабли бошланғич синф ўқитувчилари ўзлаштираслик сабаблари ҳақида яхши ту-шунчага эга бўлишлари керак. Шундагина ақлий камчилиги бўлган болани тегишли жойларга тавсия қила оладилар.

## Нутқдаги камчиликларни бартараф этиш

Кишилар ўртасида муомаланинг асосий воситаси нутқ ҳисобланади. Инсон нутқ ёрдамида ўз фикрини, ҳис-туйгу-ларини изҳор қиласди, бошқаларнинг ҳиссиётини билиб олади.

Нутқ товушларини вужудга келтирувчи манбаларни, органлар физиологиясини, уларнинг фаолиятини ўрганиш, болаларнинг талаффузидаги нұқсаннинг келиб чиқиш са-бабини аниқлаш, уни ўз вақтида бартараф этиш тўғри талаффузни таъминловчи омиллардан биридир.

Маълумки, болаларнинг камол топиши бир меъёрда бор-майди. Айрим болаларнинг нутқий ривожланишида бир қатор камчиликлар учрайди ва у маълум бир сабабга боғ-лиқ бўлади. Нутқ аппаратининг бузилиши ва марказий нерв сисистемаси бўлакларининг шикастланиши натижасида органик нутқ бузилиши содир бўлади.

Нутқ тарбияси тўғри йўлга қўйилмаганлиги, атрофдаги одамлар нутқи аниқ ва равон бўлмаганлиги туфайли, функ-ционал нутқ бузилиши келиб чиқади. Нутқ камчилигининг ўз-ўзидан йўқ бўлиши қийин, улар кўп такрорланиши мо-

байнида мустаҳкамланиб боради ва нотўғри талаффуз ҳосил бўлади. Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг фақат талаффузигина бузилиб қолмай, оғзаки нутқдаги камчилик ёзма нутққа ҳам таъсир этади. Синфда равон сўзламайдиган ўқувчининг бўлиши дарснинг боришига, интизом ўрнатилишига халақит беради. Дудуқланиб сўзловчи болага қолганлар эргашади. Бундай боланинг атрофидагилар билан мулоқотда бўлиши дарсни ўзлаштиришга ва ўрганиш процессининг шаклланишига тўсқинлик қиласди.

Болаларни ҳар томонлама камол топтиришда тўғри талаффуз катта аҳамиятга эгадир. Ота-оналар, тарбиячилар ва ўқитувчилар болани ёшлигидан бошлаб товушларни тўғри талаффуз этишга ўргатишлари лозим ҳамда уларнинг нутқида учраган камчиликнинг тезда оддини олиш зарур. Болаларни етук қилиб тарбия қилишда мамлакатимизда барча шартшароит мавжуддир. Масалан, нутқида камчилиги бўлган болалар учун мактаблар ва поликлиникада маҳсус пунктлар ташкил қилинган ҳамда уларга педагогик ва медицина ёрдами кўрсатиш яхши йўлга қўйилган.

Ҳар бир ота-она ва ўқитувчи ёш авлодни етук инсон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор бермоғи лозим.

## Бола ва муюмала

Ҳар қандай сўз нутқ товушлари тўпламидан ташкил топган. Товушларни талаффуз этиш асосан боғча ёшида шакллана бошлайди. Шунинг учун она тилида мавжуд барча товушларни тўғри талаффуз этишга ўргатиш иши боғчада тўлиқ олиб борилиши ва охирига етказилиши керак. Товушлар сўзларнинг асосини ташкил этгани учун, тўғри талаффузга ўргатиш болалар нутқини ўстириш иши билан чамбарчас боғлангандир. Нутқ кишиларнинг туғма қобилияти эмас. Нутқ болаларда аста-секин шакилланади. Болалар ўсиб, ривожланган сари, нутқи ҳам ривожланиб боради. Болаларнинг нутқи нормал бўлиши учун, бош мия пўстидаги нутқ марказлари тўлиқ ривожланган бўлиши, боланинг сезги органлари — эшитиш, кўриш, таъм билиш, ҳид билиш,

тери сезгиси ҳам етарлі ривожланган бўлиши керак. Айниқса, нутқни ҳаракатга келтирувчи ва нутқни эшитувчи анализаторларнинг ривожланиши жуда муҳимдир. Буларнинг барчаси атроф-муҳит билан узвий bogланган бўлади. Агар бола янги аниқ таассуротлар олиб турмаса, унинг ҳаракатлари ва нутқининг ривожланиши учун зарур шароит яратиб берилмаса, унда жисмоний ва психик ривожланиш тормозланади. Болани жуда ёшлигидан бошлаб предметларни танишга, атрофдагиларнинг овозини эшитишга ўргатиб бориш керакки, биз бу билан бола нутқининг ривожланишига ёрдам берган бўламиз.

Боланинг нутқи дастлаб тақлид қилиш йўли билан ривожланади. Бола аввал катта кишиларнинг нутқига тақлид қиласди. Демак, катта кишиларнинг аниқ, тўғри нутқлари бу ўринда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Болаларнинг 7-8 ойлигидан бошлаб пассив лугатларини ривожлантириш лозим. (Бу шундай сўзларки, уни бола ҳали талаффуз этмайди, балки предметлар билан боягайди ва предметнинг номини айтиш билан уни ифодалайди). Пассив лугатдан актив лугат ривожланиб боради, пассив лугат бора-бора актив лугатга айланади. Бола икки ёшга киргандা, унинг сўз заҳираси 250-300 тага етади. Фаолроқ болаларда баъзан 400 тага ҳам етиши мумкин. Бу даврда боланинг маъноли нутқи ҳам ривожлана бошлайди. Энди уларнинг гапи биргина сўздан иборат бўлмай, балки бир нечта сўзлардан иборат содда гап шаклида ифодаланади. Бола уч ёшга тўлганда фаол лугат состави 800-1000 тага боради. Мазкур сўзлар бу ёшда муомала қилиш қуролига айланади. Бола беш ёшга етганида унинг сўз заҳираси 2500-3000 тага етади. Энди тузиладиган жумлалар мураккаброқ тус олади. Сўзларни талаффуз этиш ҳам яхшиланади. Нутқ нормал ҳолатда ривожланиб бориши натижасида, бола 5-6 ёшга етганда товушни талаффуз этишдаги айрим физиологик камчиликлари йўқолади.

Бола етти ёшида она тилидаги ҳамма товушларни яхши талаффуз эта бошлайди, етарли сўз заҳирасига эга бўлади. Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлай олади.

Биз, педагоглар болаларнинг нутқини ўстириш, тўғри,

равон, аниқ талаффузга ўргатишими жарур. Болаликда ўрганилган нутқ күнімалари кейинчилик киши нутқ маданиятиңинг пойдевори бўлиб хизмат қилади.

## Тафаккурни ривожлантириш омиллари

Тасаввур қилинг, уч ёшли болакай сим дор устидан юриб кетаяпти. Беш ёшли қизалоқ эса пианино олдида ўтириб, бармоқчалари билан бир пайтлар Моцарт ижро этган куйни чалишга интилмоқда. Тұрт яшар бола компьютердан нигоҳи-ни узмайды, мураккаб масалани шу замонавий аппарат ёрда-мида ечишга аҳд қылган у. Бугунги болалар нақадар билим-дон, зукко... Қанийди, уларнинг сафи янада кенгайса! Аслида, оиласа үсиб-улғаяёттан бола иқтидорини аниқлаш, қизи-қиши ва талантини юзага чиқарыш учун имкон яратиш ота-она зиммасидаги чуқур масъулиятдир. Чунки бола тафакку-рини ривожлантириш учун энг қулай вақт унинг bogча ёши-дан бошланади. “Беш ёшли боланинг бир ойлик тарбияси ўн ёшли боланинг бир йиллик тарбияси билан тенгдир”, дейи-лади айрим манбаларда. Демакки, ёш болаларда бирор нарса-ни ўрганиш жараёни ўсмиirlарга нисбатан тезкор кечади ва кутилган натижани беради.

Юқоридаги фикрни таҳдил этайлик. Масалан, гитара чаладиган болалар миясининг мускул ва бўғимлар фаоли-ятини бошқарувчи қисмиде ижобий ўзгаришлар юз берар-кан. Фортопиано чалишдан илк сабоқни олган ва хорда ашула айтадиган уч ёшли болалар мозаика ўйинларига тез ўрганишади. Улар геометрик фигуralар чизиш ва масала-лар ечишда мусиқа машгулотларига қатнашмайдиган тенг-дошларидан үзиб кетишар экан. Бола уч ёшидан олти ёшига қадар бир неча тилларни мукаммал ўрганиш имкониятига эга бўлар экан. Бундай вақтда ота-оналар болаларнинг мия-сини ахборотлар билан тўлдиришдан қўрқмасликлари керак. Аксинча, болага шу даврда кўпроқ нарсани ўргатишни тав-сия этмоқ лозим. Негаки, бола мияси зарур ахборотни ўрга-

нишга шу тарзда одатланади. Ҳатто турли-туман ахборотларни танлаб, қайта “ишлайди”, бу эса унинг тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради.

Бола учун она тилини ўрганишга қулай давр – унинг таваллуд топган кунидан то уч ёшигача бўлиб, бу вақт ичида бола ота-она нутқига ўзини мос slab боради. Аслида, бола то туғилгунча ҳам ота-онасининг овозига “қулоқ солади”, унинг “тил маркази” шу овозларга мос ҳолда созланади. Икки тилда сўзлашувчи оиласарда болага унинг тўрт ёшига қадар биринчи тилни, кейинги даврларида эса иккинчи тилни ўрагтиш яхши самара беради.

Шунингдек, мантикий фикрлаш асосларини ўзлаштириш учун, боланинг бир ёшидан тўрт ёшигача бўлган даври қулай ҳисобланса, мусиқа таълими эса уч ёшдан тўқиз ёшгача ўргатилгани маъқул. Бола мактабга чиққунига қадар ноталар алифбосини ўргангани яхши. Тарихий манбалардан бирида келтирилишича, Жалолиддин Румий болалик чоғларида ўз тенгдошлари билан пастак томлар устида ўйнаб юрар эди. Шунда дўстларидан бири унга: “Юр, энди нариги томларга ҳам сакраймиз”, деди. Олти ёшли Жалолиддин тенгдошига қараб: “Томда сакраб юриш ит ва мушуклар иши, агар жонингда қувватинг бўлса, осмоннинг томига сакра”, дейди. Демак, юксак мақсад болалиқданоқ дилга жо этилади, сўнг шу мақсадни амалга ошириш учун ҳаракат бошланади. Ота-оналарнинг кўп ҳолларда йўл қўядиган хатолари шундан иборатки, улар фарзандларининг қизиқиши, қобилияти ва мақсадлари билан ҳисоблашмайдилар. Аксинча, ўзлари нимани хоҳлашса, болани шунга ундашади, кўпинча бола учун қизиқ туюлмаган машгулотларга уни жалб этиш ҳоллари кузатилади. Бу мажбурийлик ортида эса боланинг ҳаётга қизиқиши ҳамда эртанги кунга ишончининг йўқолиши сингари муаммолар туради. Биз фарзандларимизнинг жамият учун керакли кишилар бўлиб этишишларини истар эканмиз, ўзимиз бунга тайёр бўлишимиз шарт.

Болалар туғилганидан сўнг олти ойдан то йигирма ойлик бўлгунга қадар атрофидаги яқин кишилари билан ҳис-туйғулар мулоқотига киришадилар. Бу даврда рўй берган воқеа-ҳодисалар бола психологиясида ўзига хос из қолдириб ўтади.

Келгусида эса ўсмир танасида стресс (кучли ҳис-ҳаяжонлар) гормонларини вужудга келтиради. Бинобарин, оиласадаги соғлом мұхит бола феъл-авторининг қай даражада шакланышида мұхим эканлигини ота-оналар ёдда тутишлари зур. “Мияси бутун” болалар анчагина лаёқатлы, ҳар масала да ўз фикрини айта оладиган – зийрак ва қобилиятли бўлишади. Масалан, Японияда худди шундай болаларни боғчада ҳам мактабда ҳам алоҳида гуруҳларга ажратишиб, улар учун кучайтирилган машғулотлар тартиби қўлланилар экан. Чунки мутахассислар назарида бундай иқтидорли, яъни “дадил” болалар келажак учун кўпроқ фойда беради. Аксинча, бўш-баёв ва фикрини тушунтириб беролмайдиган болалар кўпинча ўз имкониятларидан етарли фойдаланолмай, тенгдошлиридан четда қоладилар, деб ҳисоблашади япониялар. Демак, болада мустақиллик ва журъат туйғуларини тарбиялаш ҳам яхши натижалар берар экан.

Биз илгор таржибалардан ҳамиша унумли фойдаланган ҳолда иш тутиб, бола тарбиясини бирор дақиқа ҳам кечиктирмаслигимиз лозим. Шундагина ҳукуқий демократик давлат курилиши учун билимдон ва тадбиркор шахсларни тарбиялаб вояга етказган бўламиз. Бу нарса ҳар бир ота-онадан кўп куч-қувват, анча вақт ва зарур хатти-ҳаракатни талаб этади.

## “Инدامас”нинг изтироблари

(ёхуд бола ҳаётидаги  
зиддиятлар оқибатлари)

Ўшанда қизалоқ саккиз ёшда эди. Мактабдан қайтаётуб, йўлда автоҳалокат юз берганини тасодифан кўриб қолди. У ерда йўловчилар уймалашиб туришарди. Қиз ҳам қизиқиб, улар орасига кирди. Не кўз билан кўрсинки, машина ўзлариники. У қонга беланиб ётган дадасини кўрди-ю, қичқириб юборди. Шу пайт “Тез ёрдам” етиб келди. “Дадам ўлибди” деб ўйлади қиз ва йиғлаганча уйлари томон чопиб кетди. У жуда довдираб қолган, уйда ойиси: “Нима бўлди?” деб сўраганда ҳам ҳеч гап айттолмай нуқул кўли билан кўча томонни кўрсатарди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, турмушдаги шу сингари ҳодисалар бола рұхиятига қаттиқ таъсир этиб, унда депрессия, эмоционал әсанкираш, ваҳима ва қўркув ҳолатлари пайдо бўларкан. Оғир кечирмалар туфайли, бундай аҳволга тушганларга дефектологлар “реактив ҳолат” деб ташхис қўйишади. Болаларда реактив ҳолат турлича кечади, яъни баъзи болалар бундай вақтда ўта бесаранжом ва асабий бўлиб, беҳуда ҳаракатлар қиласди, баданинг айрим жойлари учидуради, қўллари қалтирайди, қўпинча мутизм (тил дудукланниб қолиши) вужудга келади. Бошқа бирларида руҳий тормозланиш (бамисоли донг қотиб қолиш, вақтинча гаранглик, эс-хушнинг кирапли-чиқарли бўлиши) рўй беради. Ўсмирик ёшидагилар ҳаёт ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлиб, жудолик ва аламни хис эта олиши туфайли, реактив ҳолат уларда мураккаброқ кечади. Бу ёшдагилар оғир зиддиятга дуч келганларида эмоционал-ирода бузилиши (қўрқиш, хавотирланиб юриш, маъюслик, овқат емай қўйиш, әсанкираш, теварак-атрофдагиларга телбаларча муносабатда бўлиш, ўйчанлик, ҳамма нарсага лоқайдлик, йиғлаб туриб кулиб юбориши) мумкин. Зиддият қанчалик кучли таъсир этган бўлса, болани реактив ҳолатдан олиб чиқиши шунчалик қийинлашади.

Ўн ёшли болакайнинг отаси жуда қаттиққўл эди. У қўпинча ўғлини арзимаган топшириқни бажармагани учун ҳаммомга қамаб қўяр, бола кун бўйи у ерда овқатсиз қолиб кетар эди. Ҳатто бир куни кўчада болалар билан қоронгу тушгунича ўйнагани, белгиланган вақтда уйга қайтмагани учун, ота уни ичкарига киритмади. Ташқари совуқ, изғирин эди. Ўғил икки соатча дарвоза ортида туриб жуда совуқ қотди, “илтимос, мени кечиринг” деб йиғласа ҳам ичкаридан жавоб бўлмади. Оч қолгани ва совуқ жон-жонидан ўтиб кетгани боланинг рұхиятига қаттиқ таъсир қиласди, у атрофдан тошларни йиғиб жон-жаҳди билан дарвоза оша ҳовлига ота бошлади, ҳатто уйдан югуриб чиққан отасига қараб каттакон тошни улоқтирди. Бола нима қилаётганини англааб етмас, айни вақтда ҳуши ўзида эмасди.

Шундан сўнг ота ортиқча қаттиққўллик қилмай қўйди. Бироқ ўғилнинг рұхиятига аллақачон шикаст етган, у инда-

мас ва маъюс бўлиб қолганди. Кўпинча уйдан нон ва у-бу егуликлар олиб чиқар, сўнг қофозга ўраб дарвоза тепасидаги ковакка яшириб қўярди. Феъли ҳам жуда фалати эди. Бирор гапирса, худди эшитмагандек, анграйиб турарди, теваракдагилар “хой, овсармисан, нима бало” деганидан сўнг ҳуши ўзига келар, ўз ахволидан хижолат тортарди. Аҳвол шу дараҷага етдики, ўғлиниң соғлигидан хавотирланган ота мутахассисга мурожаат этди.

Реактив ҳолатдаги аксарият болалар қўрқоқ бўлиб қолишади. Баъзи бирларида қаттиқ товушдан чўчиб кетиш оқибатида пешоб қўйиб юбориш одати ривожланади. Бунда ота она “болам энурез бўлибди” деб, урологга олиб боришади. Аслида эса боланинг руҳияти шикастлангани туфайли, бу касаллик юзага келганини баъзан ота-она ҳам, шифокор ҳам пайқамаслиги мумкин. Реактив ҳолатнинг узоқ давом этиши оқибатида боладаги қўркув кучая боради. Кейинчалик у қоронгуликдан қўрқади, олисда бирор шарпани қўрса, ташвишга тушади, янги иш бошлашдан чўчиди, ҳар нарсадан шубҳаланади. Бундай вақтда бола бирорта янги даврага – нотаниш одамлар орасига кириб қолса, миқ этмасдан ўтираверади, ҳатто йўталишга ҳам ийманади.

Реактив ҳолат юзага келишининг яна бир сабаби – бола ўз нуқсонидан уялиб “индамас” бўлиб қолишидир. Оддий бир миссл. Толиб исмли болага кўз шифокори “миопия” деб ташхис қўйди. Унга кўзойнак тақишини буюрди ва синфда олдинги партада ўтиришни тайинлади. Онаси бу ҳолни ўқитувчига айтгач, Толиб биринчи партага ўтказилди. Ўқитувчи ҳар гал доскага ёзганидан сўнг, Толибга қараб: “Сенга яхши кўринягтими?” деб сўрар, бу гапдан бола бошқалар олдида хижолат чекарди. Бунинг устига, синфда сал шўхлик қилса, баъзи болалар “Толиб тўрт кўз” деб масхараларди. Шундан сўнг бола кўзойнагини портфелига яшириб қўйди. Кўзи яхши кўрмаслигини ўқитувчи ва синфдошларининг ҳадеб юзига солаверишидан шу йўл билан кутилмоқчи бўлди. Доскадаги ёзувни кўриш учун қаттиқ тикилиб турар, бу ҳолдан кўзлари, ҳатто боши ҳам оғрий бошларди. Кўп ўтмай онаси ўғлиниң кўзи қизариб кетаётгани ва боши ҳам тез-тез оғриб туришидан шикоят қилиб, уни кўз дўхтирига олиб борди.

## Оилангизда нүқсонли бола бўлса...

Шифокор ўнга қўшимча дорилар ёзиб берди. Бу ерда ҳам боланинг ҳақиқий аҳволи аниқланмасдан қолди.

Болаларнинг бошқалар олдида ўз нүқсонларидан уялиши уларда реактив ҳолатнинг кучайишига сабаб бўлади. Айрим болалар кўп вақт ўзларининг жисмоний камчилиги (масалан, оёғининг оқсоқлиги, кўзи гилайлиги, бурилиги, кўзи ожизлиги) ёки маълум бир асаб хасталиклари (дудуқланиш, бирор аъзосининг беихтиёр учуб туриши сингарилар) дан жуда изтиробга тушадилар. Болада шундай нүқсонларнинг бирортаси бўлса ва атрофдагилар унинг шу нүқсонини қайта-қайта юзига соловерса, у индамас бўлиб қолади. Бу ҳол боланинг дарсларни ўзлаштиришига ва уйда мустақил ишлашига ҳамда болалар билан ўзаро мулоқот қилишига салбий таъсир кўрсатади.

Учинчи синфда ўқиётган Жамшиднинг феъл-автори оғир, интизомсизлиги ва қўполлиги учун, ўқитувчи бир неча марта синф бурчагига турғазиб қўйганди. Аммо бундай “жазолаш” усули уни асло ўзгартиrolмади. Балки бола баттар жаҳлдор бўлиб қолди. Ўқитувчи ўқувчисининг ҳаёт тарзи билан яқиндан танишиш мақсадида йўлга чиқди. Жамшид бувиси, онаси ва укаси билан яшар экан. Бувисининг айтишича, уларнинг оиласи қўпинча нотинч бўлган. Боланинг отаси тинмай ичар, уйда жанжал қўтарарди. Кейин эр-хотин ажралишиб, оилада бироз муддат осойишталик ҳукм сурган. Бу вақтда Жамшид болалар боғчасига борар, турли тўгаракларга қатнашар, уйда ҳам жониворларни боқиб, боғда гулларни суфоришни севарди. Икки йил ўтиб, боланинг отаси яна оиласа қайтди, энди ичмасликка сўз берди. Аммо у ондасонда бўлса-да, маст ҳолда келар, шунда уйда тўполон бўларди. Ҳатто хотинини уриб-сўкиб ҳақоратларди. Шунда Жамшид онасини ҳимоя қилиб отасининг йўлини тўсар ва “онамни урманг” деб бақираради. Эртасига эса онасининг ёнига бориб, “маст бўлмаганда сизни урмасди, у яхши одам” деб отасининг ёнини оларди. Хуллас, бундай аҳвол бир йилча давом этди. Бола гоҳ отасини, гоҳ онасини ҳимоя қиласавериб асабий бўлиб қолди. Унда қатъиятсизлик ва шубҳаланиш хусусиятлари кучайган, энди ўжар ва жаҳли тез эди. Мактабда ўқиётганда янада кўпроқ асабий бўлиб борди,

Үқитувчи қаттиқ койиса портфелини улоқтирар, деразадан пастга сакрамоқчи бўлар, китоб-дафтарларини йиртиб ташлар ва болалар билан муштлашиб кетарди. Бора-бора Жамшид ҳеч кимга ишонмайдиган, ҳаммадан нафротланадиган ва кўпчиликка тезда қўшилиб кетолмайдиган болага айланди. Энг ёмони. дарсни яхши үзлаштиrolmasdi, тўгаракларга қатнамай кўйди. Энди уни ўсимликлар ҳам, жоноворлар ҳам қизиқтирmasdi.

Бола ҳаётидаги зиддиятлар уни индамас ва одамови қилиб қўяди, ота-она ёки педагог бу ҳолни тўғри баҳолаб, болага жиддий ёрдам кўрсатмагунича реактивлик ҳолати давом этаверади. Айниқса, оиласдаги кўнгилсиз шароитлар, ўринсиз жазолашлар, ота-она ўртасидаги можаролар бола руҳиятини синдиради, унинг феълида қўполлик, уришқоқлик ва индамаслик одатлари пайдо булишига имкон яратади. Ҳўш, бундай болалар билан қандай иш олиб борилса тўғрироқ булади? Мактаб педагоглари ва ота-оналар мутахассислар кўмагида зарур даволаш тадбирларини амалга оширишлари, шунингдек, уйда ва мактабда енгил режим ўрнатиш, меҳнат билан дам олишни тўғри ташкил этиш, уйкуни яхшилаш, сервитамин овқатларни бериш орқали боланинг аҳволини аста-секинлик билан яхшилаш мумкин. Муҳими, болага муомала қилишда эҳтиёткорликни унутмаслик керак. “Сен буни удалайсан”, “Хали ҳаммаси ўрнига тушиб кетади”, “Мен сенга ишонаман”, “Ҳар бир ишни қилишга кучинг етади” деган гапларни оиласда (ва боғча ёки мактабда) мулоҳимлик билан унга уқтириб бориш зарур. Агар яхши шароит яратилиб, осойишта мулоқот йўлга қўйилса, бола феълатворидаги иллатлар камайиб боради, унинг ҳолати тамомила изга тушади. Акс ҳолда эса боланинг хулқ-атворидаги салбий жиҳатлар чукурлашади ва патологик тус олади. Бу вақтда унга ёрдам кўрсатишнинг ҳеч иложи бўлмай қолади. Демак, ҳар биримиз нуқсонли болалар ҳолатига эътиборсиз қарамаслигимиз ва уларни кўпроқ асрраб-авайламоғимиз лозим. Шундагина бола ўзини соглом шахс сифатида хис этади ва жамият олдидаги бурчларини тушуниб яшайди.

## Иззатталаб болалар

Ўн бир яшар Мадинанинг феъл-авторида ғалати ўзгаришлар бўлаётганини ўқитувчи пайқаб қолди. У синфдошларининг эътиборини тортишга ҳаракат қилар, нуқул мақтанарди. Кейинчалик ўзига бино қўядиган одат чиқарди. Баъзи дарсларга келмас, сабабини сўрагандан баҳоналар ўйлаб топарди. Масалан, бир куни синфдошларига: “Танаффус чофи ҳовлида айланиб юрсан, машинада кетаётган таникли кинорежиссер кўриб қолди, машинадан тушиб, менга кинода ўйнашни таклиф қилди, рози бўлдим, қойилмисизлар”, деди. Болалар унга анграйиб қолишиди. Кейинги ҳафтада яна ҳам қизиқроқ воқеа юз берди. Бутун синф қўғирчоқ фабрикасига боришиди. Мадина ҳеч кимга сездирмай битта ўйинчиқни ўғирлади. Сўнг синфдошларига қўрсатиб, “Буни фабрика директори совга қилди”, дейди. Хуллас, қизнинг бундай қилиқлари синф раҳбарини ташвишлантириб қўиди. У бир куни тўппа-тўғри Мадиналарнинг уйига кириб борди.

Сўраб-суриштирганда қизнинг онаси мақтанчоқ ва иззатталаб, баъзан ёлғон гапирадиган аёл эканлиги маълум бўлди. Бу хусусиятлар Мадинага онасидан ўтган эди. У ота-онаси билан гаплашиб, нималар қилиш кераклигини келишиб олди. Натижада Мадинанинг феълидаги ғалати одатлар секин-аста йўқолди, у соғлом фикрлайдиган, камтарин ва ростгўй қизга айланди. Тўғри, бу осон бўлмади.

Аслида феъл-авторида истероид белгилар (мақтанчоқлик, кибр, жанжалкашлик, иззатталаблик) бўлган болалар бошқачароқ оила муҳитида ўсиб-улғаядилар. Бундай болалар гўдаклигига ёқ жуда инжиқ ва асабий бўладилар. Шунингдек, барча хоҳиш-истаклари катталар томонидан кетма-кет бажарилаверганилиги ва доимо ота-онанинг диққат марказида бўлгани боис, ўзгаларнинг танбеҳларини кўтара олмайдилар, йиғлайдилар, ҳатто депсинадилар. Истероид болалар улғайланларида ҳам ён-атрофидагилардан меҳр ва эътибор кутаверадилар, фақат ўзларини ўйлайдилар, ўзларига бино қўядиган, мақтанчоқ бўладилар.

Санжар оиласы түрттә қыздан кейин туғилған, шунинг учунми, ота-онаси уни қылзаридан күра күпроқ эркалатишарди. Святнинг энг олди унга сузиларди, энг яхши нарсаларни унга беришарди. Онаси “сүянчигим” деб сүйса, отаси “тойчогим” деб эркаларди. Шу тарзда бола талтайиб ўсди, дарслари га опалари ёрдам берар, ўзи күн бўйи кўчадан бери келмас эди. Мактабга борганида ҳам бу одати қолмади. Бир марта ёлғон гапириб, шарманда бўлди, яна бир марта ўқитувчини бехурмат қилиб танбех эшилди, мақтанчоқ лақабини орттириди. Энг аянчлиси, синфдошлари аста-секин ундан узоқлашиб борардилар. Бу болага қаттиқ таъсир қилди, у асабий ва инжик бўлиб қолди. Педагоглар ва ота-онасининг ҳамкорлиги туфайли, Санжар яхши болалар қаторига қўшилди.

Тугма ва орттирилган истероид болаларни қайта тарбиялаш жуда мураккаб вазифа, бу ишда уни амалга оширишда боғча тарбиячиси, мактаб ўқитувчилари ва ота-онанинг ўзаро бирдамлиги керак. Хўш, бундай тарбияни нимадан бошлаш лозим? Мальумки, бола кичикилигидан бирор нарсага қизиқади, интилади. Ота-она ёки тарбиячи дастлабки қизиқишни аниқлаши ва болани шунга йўналтириши даркор. Кичкинтой ўзи ёктирган бирорта машгулот билан банд бўлар экан, мақтанишга вақти қолмайди, бу одатини унугади. Ота-она боласи қизиқсан нарсаларга хурмат билан қараши ўзларининг билимлари билан боланинг билимини бойитишлири керак. Бола бажараётган ишга түгри баҳо бериш, хато қилса койимасдан, камчиликларини юмшоқцина тушунтириш, ишни тўғри қилганида рағбатлантириш керак. Шундай қилинганда бола ўзига ишонадиган бўлади, ишни бекаму кўст, хатосиз бажаришга ўрганади, вақтини унумли ўтказишга одатланади.

Иззатталаб болалардаги истероид хусусиятларнинг олдини олиш учун ота-оналар қуйидаги маслаҳатларга амал қилишлари керак:

1. Оиласа бола билан тез-тез суҳбатлашиб тулинг, унга боғча (ёки мактаб)да қандай вазифалар беришганини суриштиринг.

2. Ўғлингиз ё қизингиз бирор нарсага қизиқса, шу нарсанинг ижобий жиҳатларини болага тушунтиринг, кейин қийинчилик томонларини ҳам айтиб қўйинг, шунда бола ҳар

Оилангизда нуқсонли бола бўлса...

бир қизиққан нарсасига фақат меҳнат орқали эришиш мумкинлигини тушуниб етади.

3. Болани ҳадеб мақтайверманг, фақат гоҳ-гоҳи рағбатлантириб қўйинг. Айниқса, боладаги интилувчанликни ўз вақтида кўллаб-куватлаб боринг, бу унга куч-куват беради.

4. Ўғлингиз ёки қизингиз феълида айрим қусурлар бўлса, қаттиқ гапирмай, тарбиячиси (ёки ўқитувчиси) билан бирга бу қусурларни йўқотиш йўлларини изланг.

5. Дўстлари ва яқинлари ўртасида ўз мавқеига эга бўлишига қўмаклашинг.

6. Дўст тутиниш, дўст сирини сақлаш, садоқатли бўлишнинг яхшилигини тушунтиринг.

7. Катталарга ҳурмат кўрсатиш ва кичикларга меҳрибон бўлишни шакллантиришга ҳаракат қилинг.

8. Болада бирор нарсага (масалан, расм чизиш, китоб ўқиш, қўшиқ айтиш, мусиқани севишга) қобилияти бор-йўқлигини аниқланг. Қобилияти бўлса, уни ривожлантиришга ёрдам беринг.

9. Бирор ишни охиригача етказганини аниқланг, маслаҳатларингизни ундан аяманг, зарур бўлса, йўл-йўриқ кўрсатинг.

10. “Ўзгаларга қанча меҳр кўрсатсанг, ўзинг ҳам шунча меҳр кўрасан”, деган ҳикмат мазмунини болага сингдиринг.

## **Дудуқликни тузатиб бўладими?**

**(Бола дудуқланиб гапирганда  
қўлланадиган усуслар)**

Шифокор ҳузурига келган аёл тўрт яшар қизчасининг дудуқланиб гапираётганини айтиб, маслаҳат сўради. Болани текшириб кўрган дўхтири: “Қизалоқнинг туғма камчилиги бўлиши мумкин, жарроҳга ҳам учрашиб кўринг”, деди. Она жарроҳ олдидан хафа бўлиб қайтди: болани операция қилиш шарт экан! Кейинги ҳафта қизча жарроҳлик столига ётди. Лекин операциядан уч-тўрт ой ўтгандан сўнг ҳам қизалоқ тузади.

либ кетмади, дудукланиши баттар кучайди. Бундан она ҳам, шифокор ҳам ташвишга тушди. Хўш, нега бундай бўлди?

Боланинг дудуқиб гапиришини мутахассис олимлар турлича таҳлил этадилар. Баъзи олимлар дудукланиб гапириш бутун организмнинг хасталиги, демак, уни дори-дармон билан тузатса бўлади, дейишган. Бошқалар эса дудукланиб гапиришни артикуляция (товуш чиқариш) аппаратининг нотўғри тузилишидан келиб чиқади, деб ҳисоблаб, операция ёрдамида даволашни тавсия этганлар. Орадан вақтлар ўтиб, айрим шифокорлар дудукланиб гапириш невроз хасталигининг бир тури деган фикрни билдиришди. Ва, ниҳоят, машхур рус физиологи Павлов дудукланиб гапириш олий нерв маркази фаолиятидаги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг бузилиши деган тўхтамга келди.

Аслида бу ҳодиса нафас олиш, товуш чиқариш ва артикуляцион соҳаларда пай тортишиши натижасида содир бўлади. Маълумки, пай тортишганда товуш пайчалари бир-бирига маҳкам ёпишади-да, товуш узилиб қолади. Агар пайчалар ўз вақтида бир-биридан ажралмаса, товуш тўхталиб-тўхталиб чиқади. Борди-ю, улар бир-бирига тегмай қолса, бола шивирлаб гапиради. Артикуляция соҳасида пай тортишиши кўпроқ тил ва лаб мушакларига тақалади. Нафас бўлимидаги пай тортишилар натижасида нафас чиқариш жараёни нафас олишдан устун келиб, чиқарилган нафас талаффуз учун етмай қолади. Дудукланиб гапиришнинг оғир шаклида пай тортишиши юз ва тана мушакларига ҳам тарқалади. Бунда беихтиёр кўз олайтириш, бошни орқага ташлаш кузатилади.

Пай тортишилари икки хил бўлади: клоник ва тоник.

**КЛОНИК** пай тортишиши вақтида товуш, бўғин ёки сўз бир неча марта тақрорланади. **ТОНИК** пай тортишиши пайтида эса сўз бошида тўхталиш рўй беради. Шунингдек, тўхталиш гап ўртасида, охирида ёки айрим ундош товушлар (х,п,к)ни талаффуз этиш вақтида ҳам кузатилади. Бундан ташқари, боланинг қаттиқ қўрқиши, турли юкумли касалликлар билан оғиши, оиласда нотўғри тарбия олиши, жисмонан заифлиги, дудукликка ирсий мойиллиги ҳам маълум даражада дудукланиб гапиришга сабаб бўлади. Баъзида эса дудукланиб гапириш асаб хасталиклари аломати саналиб, бун-

дай вақтда беморларни турли дори-дармоналар, педагогик ва психотерапевтик муолажалар билан даволаш мүмкін.

Дудукланиб гапирадиган болани текширишда унинг күп жиҳатларига эътибор қаратылади. Масалан, дудукланаётган боланинг руҳий ҳолати, ақлий қобилияти, у тарбияланган ва ҳозир яшаётган муҳит ҳамда шароит, мактабда ёки оиласадагиларга муносабати ҳисобга олинади. Шундан сұнгтина дудукланиб гапиравчы бемор болаларга маҳсус муолажалар белгиланади. Бола нутқида нұқсонни даъволаш чора-тадбирлари асосан учта босқичда амалға оширилади.

**БИРИНЧИ БОСҚИЧ**да болага асосан қисқа шеърларни ўқиши, оддий саволларга жавоб берип буюрилади. Агар у үнли товушлар иштирок этган жумлаларни талафғуз қилишга ўрганса, машғулот янада яхши самара беради. Бунда бир нафас чиқаришда икки хонали рақамларни санашиб ҳам күмакчи восита саналади. Кейинчалик уч-түрт ва ундан күпроқ сұзлардан тузилған жумлаларни гапириб машқ қилиш мүмкін. Үнли товушлар билан бошланадиган сұзлар талафғузи обдон машқ қилингач, кейин ундош товушларга ўтилади. Беморга бериладиган саволлар, ёдлаш учун тавсия қилинадиган шеърий жумлалар аста-секин мураккаблаштириб борилади.**ИККИНЧИ БОСҚИЧ**да ҳам дастлаб шеърлар ўқиши буюрилади. Сұнг овоз чиқариб ўқиши, ўқилған матнни сұзлаб берип, ўтилған мавзуни мустақил гапириб берип машқ қилдирилади. Шуни унугтаслик керак-ки дудукланиб гапиравчилар күпчилик олдида сұзлашга тортина дилар, чунки ўзларидаги хусусиятни билғанлари учун бу нарсага жүръят қылолмайдилар. Шундай экан, иккинчи босқичда нутқида нұқсони дастлаб икки-уч одам олдида ўз фикрини айта олишга ўргатиш керак. Кейинчалик эса бу ҳолат ривожлантирилиб, болалар беш-үн киши олдида ҳам бемалол сұзлашга одатланадилар.

**УЧИНЧИ БОСҚИЧ** бироз қийинроқ бўлиб, бунда болалар нутқидаги нұқсонни даволаб тузатиш мақсадида биринчи ва иккинчи босқичдаги машқлар кучайтирилади. Дудукланиб гапиравчы болаларга кичик ҳажмли маъruzалар берилади, уларнинг маъruzани ўқиши давомидаги ҳолати, талафғузи кузатиб турилади. Шунингдек, болалар ўзи кўрган ёки

Эшитган воқеани дудукланмай сұзлаб бериши шарт. Бу қанча қийин бұлмасин, бола эплаши керак. Дастреб аңға тарбиячи ёки педагог күмаклашади, иккі-уч маротаба тақрорланғач, болага мустақил гапириб бериши буюрилади.

Умуман, дудукланиб гапирудын нутқидаги нұқсонни тузатышчоралар мана шу учта босқычда амалға оширилди. Ҳар бир ота-она машқтарни үй шароитида бажарса бўлади. Мұхими, қунт ва чидам билан эринмасдан иш тутилса, боладаги нұқсон аста-секин йўқолади, у соглом тенгдошлари сафига қўшилади.

Тарбиячи, педагог ва оналарнинг ҳамкорлиги ҳам дудукланиб сұзлайдиган болаларни даволашда анча наф келтиради. Улар машғулотлар давомида ёрдамчи услугбий қўлланмалар, дарсликлар ва логопедларнинг маслаҳатларидан фойдаланишлари мумкин. Аслида дудукланиб гапириш касаллик эмас, балки қайсиdir сабабга кўра юз берган нутқ нұқсонидир. Шундай экан, ҳар бир она фарзандининг талаффузини синчиклаб кузатиши ва бу борада бирор ўзгариш сезса, дефектолог йўл-йўриклирга кўра бола нутқидаги нұқсонни тузатишига киришмоги лозим. Машғулотлар қанчалик барваҳт бошланса, шунчалик ижобий натижага эришиш мумкин.

## **Мундарижа**

Олигофрения (ёхуд ақлий қолоқлик сабаблари)....	4
Астеник ҳолат (У болаларда қандай кечади?).....	9
Кичкинтой тутилиб гапирса.....	13
Ринолалия.....	17
Бола талаффузи равонми?.....	19
Фарзандингиз “Ш” товушини айттолмаса.....	22
“Мени эшитяпсанми, болакай?”.....	25
Үйин —тарбиячи .....	26
“Р” товушини нутққа киритиш.....	28
Аномал болалар (Биринчи мақола).....	37
Нутқдаги нұқсонлар ( <i>Иккинчи мақола</i> ).....	39
Ақлий қобилияты қай даражада?	
( <i>Бошлангич синфларда ўзлаштирмасликнинг баъзи сабаблари</i> ).....	43
Нутқдаги камчиликларни бартараф этиш.....	45
Бола ва муомала.....	46
Тафаккурни ривожлантириш омиллари.....	48
“Индамас”нинг изтироблари ( <i>Бола ҳаётидаги зиддиятлар</i> ).....	50
Иzzатталаб болалар.....	55
Дудуқликни тузатиб буладими? ( <i>Бола тутилиб гапирганда құлланиладиган усуллар</i> ).....	57



Зиёда Ҳасанова Турдиевна 1960 йил  
Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида  
туғилган. 1985 йилда Низомий номидаги  
Тошкент давлат педагогика институтини  
тамомлаган.

Дастрраб иш фаолиятини қишлоқда  
үқитувчиликдан бошлаган. 1994 йилдан  
буён эса Термиз давлат универсиетида  
үқитувчи вазифасида ишлаб келмоқда.

Бир қатор илмий, илмий-оммабон  
мақолалар, услубий тавсиялар музалифи.

Зиёдахон айни вақда бу илм  
масканининг мактабгача тарбия ва  
бошлангич таълим кафедраси катта  
үқитувчиси, олий тоифали логопед-  
дефектолог.

У кўп йиллик самарали меҳнатлари  
эвазига “Ўзбекистон Республикаси халқ  
таълими аълочиси” нишони билан  
тақдирланган.

